

32
(1350)-son
10-avgust
2018

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

БАРЧА АҲОЛИ МАСКАНЛАРИ

мобил алоқа билан
таъминланади **2-бет**

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲА

"Хавфсиз шаҳар" дастурий
комплекси доирасида йўл
ҳаракати хавфсизлигини таъ-
минловчи ахборот тизимлари
яратилади **3-бет**

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА АКТ

Халқ таълими вазирлиги АКТ
соҳасидаги компанияларни
ҳамкорликка чақирди **5-бет**

РЕЙТИНГ

уровня развития внедрения
ИКТ в деятельности органов
государственного и хозяй-
ственного управления **6-бет**

ТАВСИЯ

Инглиз тилида китоб ўқиш
учун энг яхши 15 онлайн-
кўтубхона **9-бет**

АЛОҶА ОЛАМИДА

Сув остида ишлайдиган
ноутбук ихтиро қилинди
12-бет

МУТОЛАА

Қимматбаҳо тошлар ўғриси
(ҳикоя) **14-бет**SPEEDTEST GLOBAL INDEX 2018
Йил июл ойи учун ГЛОБАЛ
СИМЛИ ВА СИМСИЗ ИНТЕРНЕТ
ТЕЗЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.Ўзбекистонда симли
интернет тезлиги
8,57 Мб/с.
133 мамлакат
орасида **119-ўрин**Ўзбекистонда мобил
интернет тезлиги
9,6 Мб/с.
124 мамлакат
орасида **110-ўрин.**

АТ "АЛОҚАБАНК"

"МОВИЙ КОНТЕЙНЕР" ЛОЙИҲАСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ**Банк логотипи туширилган поезд Европа ва Осиёнинг 11та давлати ва 25та шаҳридан ўтади.**АТ "Алоқабанк" билан Санъат ва
дизайн соҳасида Германия – Хитой ма-
даний алмашинув бирлашмаси (DCKD)
ташкilotи ўртасида ҳамкорлик бўйича
меморандум имзоланди. Меморандумни
DCKD ташкilotи раҳбари Цзян Гуо ва
АТ "Алоқабанк" бошқаруви раиси ўрин-

босари Ҳасан Раҳматов имзолашди.

DCKD ташкilotи "Янги Ипак
йўлида мовий контейнер" лойиҳасини
амалга оширмоқда. Лойиҳа Германия,
Австрия, Швейцария, Италия, Греция,
Туркия, Эрон, Туркменистон, Ўзбе-
кистон, Қозоғистон ва Хитой давлат-ларини қамраб олган. Ташкilot ушбу
лойиҳа доирасида турли компания, фир-
ма ва ташкilotларни ўз маданий ва
иқтисодий йўналишлардаги салоҳияти-
ни намойиш қилиш, янги инвестиция-
вий ҳамкорликни йўлга қўйишга шаро-
ит яратиб беради.**4-бет**

ТАЙИНЛОВ




ШУҲРАТ СОДИҚОВ АКТ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий
агентлиги директори вазифасида ишлаб келган Шуҳрат Муҳаммаджо-
нович Содиқов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ри-
вожлантириш вазири этиб тайинланди.Азим Аҳмедхаджаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ахбо-
рот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ла-
возимидан озод этилди. У давлатимиз раҳбари фармони билан Ўзбекис-
тон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий
агентлигидаги рақамли иқтисодиёт ва блокчейнни ривожлантириш бўйича
янги блок раҳбари этиб тайинланди.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АҚДА РАҲБАРИЯТ ЎЗГАРДИ

2018 йил 8 август куни "Ўзбектелеком" АҚ раҳбариятида қатор
лавозимга тайинлашлар амалга оширилди.Компания раҳбари этиб, аввал ҳам бош директор лавозимида фа-
олият юритган Шуҳрат Қодиров тайинланди.2018 йилнинг феврал ойдан августига қадар бош директор лавози-
мида ишлаган Фарҳод Рўзиев эса компаниянинг тижорат директори ва-
зифасига ўтказилди.Бундан ташқари, Жамол Мақсудов истиқболли ривожлантириш ва
инновациялар бўйича директор лавозимида тайинланди. Шу вақтга қадар
бу вазифани Евгений Маркин бажариб келаётган эди.



БАРЧА АҲОЛИ МАСКАНЛАРИ МОБИЛ АЛОҚА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

➤ **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Шавкат Мирзиёев 3 август кuni узум плантацияларини кўпайтириш, виночиликни ривожлантириш, алкогoлли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

➤ **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Шавкат Мирзиёев 3 август кuni мамлакатимизда расмий ташир билан бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимни қабул қилди. Учрашувда фармацевтика ва тиббиёт, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

➤ **Президент Шавкат Мирзиёев** 6 август кuni Индонезиянинг Ломбок оролида рўй берган кучли zilзила оқибатида кўлаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Индонезия халқи ва Президент Жoкo Видодога таъзия изҳор этди. Жараҳат олганларнинг тез орада соғайиб кетишига тилак билдирилди.

➤ **Ўзбекистон Республикаси** Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август кuni Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқотда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари юқори суратларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар. Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тadbирлар режасини кўриб чиқдилар.

➤ **Мамлакатимизда** "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти"ни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

➤ **Тожикистон Республикаси** мулоффа вазири Шерали Мирзо бошчилигидаги ҳарбий делегация Самарқандда бўлди. Меҳмонлар Ўзбекистон мулоффа вазири Абдулсoлом Азизов ҳамроҳлигида дастлаб Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Делегация аъзолари Марказий ҳарбий округ ва бу ерда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарoнт, ҳарбийларнинг ўқув ва тактик машғулот ўтказиш жараёни билан ҳам танишилди.

➤ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси** Президентининг "Норма ижодкорлиги фoлиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Республиканинг 12 мингдан ортиқ аҳоли масканларидан қарийб 94 фоизи кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари билан қамраб олинган. Аҳоли масканларининг тахминан 73 фоизи учун уяли алоқа, шу жумладан, фавқулодда хизматларни чақириш учун, ягона коммуникация тури ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг барча аҳоли масканларида уяли алоқа хизматларидан фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Ҳужжатта мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги уяли алоқа тармоқлари операторлари билан биргаликда бир ой муддатда фойдаланувчилар, айниқса, олис қишлоқ жойлардаги фойдаланувчилар интерактив хизматлардан фойдаланишини таъминлаш бўйича 2018-2020 йиллардаги телекоммуникациялар тармоқларини ривожлантириш режасини тасдиқлаши шарт.

Республиканинг 12 мингдан ортиқ аҳоли масканларидан қарийб 94 фоизи кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари билан қамраб олинган. Аҳоли масканларининг тахминан 73 фоизи учун уяли алоқа, шу жумладан, фавқулодда хизматларни чақириш учун, ягона коммуникация тури ҳисобланади. Бунда 4 мингдан ортиқ базавий станцияларни фойдаланишга кириштириш ҳамда телекоммуникациялар тармоқлари билан қамраб олинмаган 600та аҳоли масканида уяли алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланиш имконини яратиш 2018 йилда биринчи навбатда бажариладиган вазифалар ҳисобланади. Уяли алоқа тармоқлари операторларининг ўз маблағлари, хорижий банклар ва молия институтларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, ускуналар етказиб берувчиларнинг товар кредитлари ва тижорат банкларининг кредитлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбаларни Ривожлантириш режаси амалга оширилишини молиялаштириш манбалари этиб белгилаш таклиф қилинмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уяли алоқа тармоқлари операторларининг буюртма-номаларига кўра олис қишлоқ аҳоли масканлари, туристик ва рекреацион зоналарда, магистрал автомобил ва темир йўллар бўйида антенна мачталарини қуриш, телекоммуникация ускуналари монтаж қилинадиган биноларни ижарага олиш



учун ер участкалари ўз вақтида ажратиб берилишини таъминлашлари зарур.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ уяли алоқа операторларига уяли алоқа воситалари, иншоотларини ўрнатишда ёрдам беради ва зарурат туғилганда темир йўллар бўйидаги электр тармоқларга ула-нишларини таъминлайди. Ҳужжатда қайд этилишича, "Ўзбекэнерго" АЖ қуйидагиларни таъминлайди:

■ уяли алоқа тармоқлари операторларининг буюртма-номаларига кўра, Ривожлантириш режасини амалга ошириш доирасида, электр энергияси тармоқларига ўз вақтида улаш;

■ уяли алоқа тармоқларининг базавий станцияларини электр энергияси тармоқларидан узилмайдиган тоифаланган объектларга кириштириш;

■ телекоммуникациялар операторларининг буюртма-номаларига кўра электр узатиш тармоқларининг таянч устунларига телекоммуникация тармоғи элементларини ўрнатиш (осиш). Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда буюртмачиларнинг маблағлари ҳисобига тадқиқот ишларини молиялаштирган ҳолда радиотехника объектларидан электромагнит нурланишининг турли частоталари таъсири хавфсизлигини баҳолаш бўйича мақсадли тадқиқотлар ўтказиши мўлжалланган.

Қуйидагиларни белгилаш режалаштирилмоқда:

■ телекоммуникациялар объектлари, шу жумладан, ҳар қандай мулкчилик шаклидаги ижарага берувчиларнинг ижарага олинган ҳудудларида ўрнатилганлари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг муҳим объектлари ҳисобланади;

■ телекоммуникациялар объектларини кўчириш ёки демонтаж қилиш ҳақидаги талаблар истисноли ҳолатларда, бошқа имкониятлар мавжуд бўлмаганда ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишувга кўра қўйилиши мумкин. Бунда телекоммуникациялар объектларини кўчириш ёки демонтаж қилиш талаби ташаббускорни мазкур ишларни амалга ошириш учун операторлар сарфлаган харажатларни қонун ҳужжатларига асосда тўлиқ қоплаши шарт. Манфаатдор вазирлик ва идоралар уч ой муддатда қонун ҳужжатларига телекоммуникациялар объектларини олиб кириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга жорий этишда рухсат бериш тартиб-таомиллари муддатини тубдан такомиллаштириш ва қисқартиришга доир ўзгаришлар учун қўшимчаларни киритиш тўғрисида таклифлар беришлари шарт.

Лойиҳа рад этилиши, унга қўшимча киритилиши ёки ўзгаририлиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲА



"Хавфсиз шаҳар" дастурий комплекси доирасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи ахборот тизимлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида "ATLAS International AG"

ҳамда "Jenoptik Robot GmbH" компаниялари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда юртимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи замонавий тизимларни жорий қилишга йўналтирилувчи инвестицион лойиҳани амалга ошириш муҳокама қилинди.

Жумладан, "ATLAS International AG" компанияси вакили Агтур Конрад Ўзбекистон томонини халқаро стандартлар асосида йўл ҳаракати қоидаларини автоматик қайд этувчи фото ҳамда видеоаниқлаш тизимларини ишлаб чиқариш ва татбиқ этиш бўйича маълумот берди.

Хусусан, компаниялар мутахассислари "Хавфсиз шаҳар" дастурий комплекси доирасида ишлаб чиқариш кўзда тутилган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ахборот тизимларини яратишга сармоя киритишга розилигини маълум қилди.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР


"ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ"НИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Таҳлил ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Имзоланган ҳужжат доирасида ташкилотлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда фаолият юритишни режалаштирилмоқда:

■ АКТ соҳаси ҳамда электрон ҳукумат тизимини таҳлил қилиш ва прогностлаш;

■ АКТнинг истиқболли йўналишлари бўйича халқаро ташкилотлар билан илмий-тадқиқотлар ўтказиш бўйича ҳамкорлик қилиш;



e-gov.uz

■ АКТни ривожлантириш бўйича халқаро рейтингларни тизимли ўрганиш, мамлакатимизнинг шундай рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;



Институт Прогнозирования и Макроэкономических Исследований

Institute of Forecasting and Macroeconomic Research

■ электрон ҳукуматни тарғиб этиш ҳамда давлат хизматларининг кўрсатилиш сифатини яхшилаш мақсадида инновацион тадқиқотларни ўтказиш. Томонлар ҳамкорликда

макроиқтисодий, маркетинг ва бошқа турдаги тадқиқотларни ўтказиш, хусусан рақамли иқтисодиёт ва "ақли шаҳарлар" бўйича лойиҳаларни амалга ошириши кўзланган.

ЯНГИЛИК

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН ID-КАРТА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Мамлакатимизда "SMS-pensiya" хизмати орқали фуқароларга уларнинг пенсия миқдори, тўлов амалга оширилганлиги, шунингдек, оширилган пенсиялар тўғрисида бепул SMS-хабарларни олиш имконияти яратилган. Ушбу хизматдан ҳозирда 1,8 млн. пенсионер фойдаланмоқда.

Шунингдек, Молия вазирлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, пенсия ва нафақа олувчиларнинг шахсини тасдиқлаш ҳамда нақд пул шаклидаги

тўловларни автоматлаштириш мақсадида пенсионерларнинг электрон гувоҳномаси — ID-картасини жорий қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2018 йил якунига қадар корхоналар пенсионерни ишга қабул қилганлиги тўғрисида Пенсия жамғармасига фақат электрон шаклда хабар юбора бошлашади, бу ортиқча қоғозбозликдан қутулишга ёрдам беради. Бундан ташқари, 2018-2019 йилларда "Электрон ҳукумат", Сугурта бадали тўловчиларнинг шах-

сий ҳисобини юритиш базаси, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги маълумотлар базаси билан ахборот алмашинувларини йўлга қўйиш орқали масофавий тарада (жамғармага келмасдан) ариза бериш орқали пенсия ва нафақаларни тайинлаш имкониятини яратиш кўзда тутилган.

Эслайтиб ўтамиз, "Пенсия" дастурий мажмуаси 3,3 млн.дан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини ўзига қамраб олган.

АТ “АЛОҚАБАНК” “МОВИЙ КОНТЕЙНЕР” ЛОЙИХАСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ



◀ 1-бет.

— Ўзбекистон жадал ривожланиб бораётган давлат, — деди меморандумни имзолаш маросимида DCKD ташкилоти раҳбари Цзян Гуо. — Бу ривожланишга биз ҳам ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз ва шу сабабли халқро даражада фаолият кўрсатувчи АТ “Алоқабанк” билан “Янги Ипак йўлида мовий контейнер” лойиҳасида ҳамкорликни бошлаб юбордик. Келгусида Ўзбекистонда 5 гектарлик ҳудудда контейнерлар асосида ўзига хос маданий ва иқтисодий салоҳиятни намойиш қилувчи кўргазма павилонларидан иборат марказни қуриш ниятимиз бор. Унда лойиҳада иштирок этувчи дав-

латлар ўз кўргазмалари билан қатнашиши режалаштирилган. 2018 йилнинг сентябр ойи охирида Тошкентда АТ “Алоқабанк” ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бизнес-форум, турли тadbирларни ўтказамиз. Шу вақтга келиб Германиядан йўлга чиққан “Мовий контейнер” лойиҳасидаги поезд ҳам Тошкентга етиб келади. Келгуси йилда эса поезд Германияга қараб йўл олади. Ана шу вақтда Самарқандда ҳам лойиҳамиз доирасида қатор йирик тadbирлар ва кўргазмаларни ташкил қиламиз. Албатта, бу тadbирлар орқали Ўзбекистонга йирик инвесторлар эътиборини жалб қилишни мақсад қилганмиз.

— Нима учун “Алоқабанк” ушбу лойиҳада иштирок этмоқчи? — деди банк бошқаруви раиси ўринбосари Насиба Насретдинова. — Аввало бу жудаям катта лойиҳа. Унда Европа ва Осиёнинг 10та давлати қатнашапти. Бу нафақат банкмиз, балки мамлакатимизнинг маданий, иқтисодий, туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун кенг имконият. Поездга учта контейнер уланган бўлиб, айнан учинчисига банкмиз тасдиқлаган “Алоқабанк” логотипи туширилган. Ушбу поезд Европа ва Осиёнинг 11та давлати ва 25та шаҳрдан ўтади. Бу Ўзбекистоннинг дунё бўйлаб туризм, маданий-иқтисодий са-

лоҳиятини тарғиб қилиш учун жуда қулай имконият.

Лойиҳада АТ “Алоқабанк” билан биргаликда UnionPay International Co.Ltd компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва UzCard компанияси ҳам иштирок этмоқда.

— Ваколатхонамиз 2009 йили Тошкентда фаолият бошлаган, — дейди UnionPay International Co.Ltd компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Дилмурод Файзуллаев. — Дунё бўйича UnionPayнинг 7 миллиард дона картаси муомалага киритилган. Ушбу карталардан 170та давлатда фойдаланилади. Ҳозирда республикамиздаги олтинга банк билан бирга ишляпмиз. Энг катта ҳамкоримиз “Алоқабанк” ҳисобланади. UzCard ва “Алоқабанк” билан ҳамкорликда кобейлж карталарини ишга туширишни режалаштирганмиз. Албатта, бу лойиҳада иштирок этувчи давлат фуқаролари ва сайёҳлар учун тўлов тизимида қатъий қулайлик яратди, ўз навбатида мамлакатимизга келувчи сайёҳлар учун яхши имконият.

“Янги Ипак йўлида мовий контейнер” лойиҳаси старт олди. Бу ўзаро тажриба алмашиш, маданий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ўрнатиш йўлида янги қадам бўлади.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

МАҲОРАТ ДАРСИ

IUT ПРОФЕССОРИ АҚШЛИК ТАЛАБАЛАР УЧУН МАТЕМАТИКА КУРСЛАРИНИ ЎТДИ

Тошкент шаҳридаги ИНХА университетининг профессори Рустам Турдибоев АҚШлик талабалар учун математика курсларини ўтди.

Америкалик талабалар гуруҳи Калифорния давлат уни-

верситети (АҚШ)нинг 10 ҳафталик “Ўзбекистондаги талабалар учун халқаро тадқиқотлар тажрибаси” дастурида иштирок этишди. Дастур АҚШдан келган талабаларга маҳаллий му-

гебра фанининг ватани ҳисобланган Ўзбекистонда тажриба ортириш имконини беради.

Ўзбекистонлик тенгдошлари ва мураббийлари билан ҳамкорликда америкалик талабалар Лейбниц алгебрасининг тизимли назариясида, гармоник таҳлил ва математик биологияда тадқиқот олиб боришди.

Алгебра йўналиши бўйича дастур В.Романовский номидаги Математика институти директори, академик Шавкат Аюпов раҳбарлигида ўтказилди.

Доктор Рустам Турдибоев ушбу дастур доирасида Тошкент шаҳридаги ИНХА университетиде алгебра бўйича 15та маъруза ўқиди.

Мазкур курсда АҚШ университетларининг учинчи босқич талабалари — Кайла Пол (Авлиё Олаф коллежи, Миннесота), Дрю Хортон (Сонома давлат университети, Калифорния) ва Мин Су Ким (Вандербилт университети, Теннесси) қатнашишди. Шунингдек, маърузаларда Ўзбекистон миллий университети-

нинг магистрлари ҳамда Математика институтининг кичик илмий ходимлари иштирок этишди.

Доктор Рустам Турдибоев шунингдек, Вандербилт университетининг математика факултети талабаси Мин Су Кимга айрим очиқ қолган масалалар бўйича устозлик қилди.

Қайд этамиз, Рустам Турдибоев 2017 йили Сонома давлат университетининг талабалари: Террис Бекер, Хуан Эскобар Салседо ва Кристал Саласларга ҳам мазкур дастур доирасида устозлик қилган эди. Ҳамкорликда амалга оширилган ишлар яқин орада Cogent Mathematics & Statistics журналыда чоп этилиши кутилмоқда.

Профессор Рустам Турдибоев 2016 йилдан бери Тошкент шаҳридаги ИНХА университетининг “Компютер ва дастурий инжиниринг” факултетида талабаларга математика курсларини ўтиб келмоқда. 2015 йилда у Сантьяго де Компостела университетининг (Испания) докторлик даражаси (PhD)ни қўлга киритди.



ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ТУРДАГИ ПАСПОРТ ВА ID-КАРТА ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Қарор лойиҳа-
сида 2019
йилнинг 1 янва-
ридан хорижга
чиқиш учун рух-
сатномани
(стикер) расмий-
лаштириш
бекор қилиниши
кўзда тутилган.

Норматив ҳуқуқий ҳуж-
жатларнинг муҳокамаси пор-
талида Ўзбекистон Республи-
касида паспорт тизимини
янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида-
ги қарор лойиҳаси муҳокама-
га қўйилди. Унда мамлақати-
мизда учта ҳужжатни: мамла-
кат ичидаги биометрик пас-
порт, четга чиқиш учун био-
метрик паспорт ва ID-карта-
ни жорий қилиш таклиф
этилмоқда.

Қайд этиш лозимки,
қарор лойиҳасида 2019 йил-
нинг 1 январидан хорижга
чиқиш учун рухсатномани
(стикер) расмийлаштириш
бекор қилиниши кўзда тутил-
ган. Унинг ўрнини хорижга
чиқиш учун алоҳида биомет-
рик паспорт эгаллайди.

Ҳужжатга кўра:

● Ўзбекистон фуқаро-
сининг биометрик паспорти
— Ўзбекистон ҳудудида
шахсни тасдиқловчи ҳужжат.
Шунингдек, у электрон ах-



борот ташувчи (чип)га эга
булиб, Ўзбекистон фуқаро-
лигини ҳам тасдиқлайди;

● чет элга чиқиш учун
биометрик паспорт — Ўзе-
бекистон Республикаси фуқаро-
лигини ва унинг эгаси
шахсини хорижга чиқиш ва
мамлакат ҳудудига кириш чо-
ғида тасдиқловчи ҳужжат;

● идентификацион элек-
трон карта (ID-карта) — ўз

эгасининг шахси-
ни мамлакат ҳудудида тас-
диқловчи ҳужжат. У фуқаро-
нинг ягона идентификация
рақамини, унинг шахсий
маълумотларини ўз ичига
олиб, давлат хизматларидан
фойдаланишда шахсни аниқ-
лаш учун қўлланилади.

Чет элга чиқиш учун био-
метрик паспорт фуқароларга
қуйидаги амал қилиш муд-

дати билан берилади:

● Туғилган кунидан бир
ёшгача — икки йил муддатга;

● Бир ёшдан 16 ёшгача
— 5 йиллик муддатга;

● 16 ёшдан катталарга
— 10 йил муддатга.

Лойиҳа ўзгартирилиши,
унга қўшимча киритилиши
ёки рад этилиши мумкин.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА АКТ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ АКТ СОҲАСИДАГИ КОМПАНИЯЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРДИ



Халқ таълими вазирлиги
технологиялар ва дастурий маҳ-
сулотлар ишлаб чиқарувчилар-
га мактабларда АКТни жорий
этиш йўлида давлат-хусусий
шерикчилиги кўринишида ҳам-
корлик қилишни таклиф қилди.

Ҳамкорлик, асосан, ах-
боротлаштириш масалала-
ри, бироқ фақат шу билан
чекланмаган йўналишларда
бўлади:

1. Ўқув тарбия жараёни;
2. Бошқарув жараёни;

3. Менежментни молиялаш-
тириш;

4. Кадрлар бўйича ресурслар;

5. АКТни ўқитиш.

Шу билан бирга, ҳамкор-
лардан тез сотиш ёки бир мар-
талик даромад кўришни эмас,
балки жамият фаровонлиги
йўлида ва ўзаро манфаатни
кўзлаб узоқ муддатли ҳамкор-
ликни афзал билиши талаб эти-
лади.

Қуйидагилар ҳамкорлик
учун қатъий шартлар ҳисобла-
нади:

1. Халқ таълимини модерни-
зациялаш, ортиқча бюрократия
ва қоғозбозликни камайтириш,
сарф-харажатларни қисқарти-
риш, таълимнинг барча учун
баробарлигини ва давлатнинг
жамиятга очиқлигини ошириш
ҳамда коррупция хавфини йўқ
қилишга интилиш.

2. Ҳамкор компания мо-
лиялаштириш Халқ таълими ва-
зирлиги ёки унинг бўлинмала-
ри, мактаб ва ўқитувчилар то-
монидан амалга оширилишини
кутмайди. Ота-оналар ва бола-
лар учун хизматлар пуллик
булиши мумкин, бироқ фақат-
гина ихтиёрий равишда амалга
оширилиб, ҳеч қандай тўлов-
ларга мажбурлашга йўл қўйил-
майди. Беvosита потенциал ис-
теъмолчиларга (5,2 млн. бола,

10 млн.дан ортиқ ота-она) мар-
кетингга оид ва бошқа маълумот-
лар, реклама ва "big data"
хизматларини кўрсатиш орқа-
ли монетизация қилиш имко-
ни бўлади.

3. Мактабларгача маълумот-
ларни юбориш тармоқлари ин-
фраструктураси давлат томони-
дан ҳал қилиниши назарда ту-
тилган. Шу билан бирга, мак-
таб ичида инфраструктура (ло-
кал тармоқ) ва маълумотлар
омбори (дата марказ)лар ривож-
ланиши масалалари асосан ҳам-
кор компания ҳисобидан бўла-
ди. Шунингдек, инфраструкту-
ра масалалари ечими ҳамда мо-
бил алоқа орқали маълумотлар-
ни юбориш ҳам ҳамкор компа-
ния ҳисобидан бўлиши мум-
кин.

4. Ҳамкор компания шу
каби тизимлар ишлаб чиқариш
ва амалга татбиқ қилиши бўйи-
ча тажрибага эга бўлиши керак.
Кучли юкланган тизимларни
тузиш ва кўп сонли фойдала-
нувчилар билан тижоратлашти-
риш муҳим устунликлар ҳисоб-
ланади.

Ҳамкорлик ҳақидаги так-
лифлар 2018 йил 20 августга
қалар қуйидаги электрон почта
манзиллари: ict@xtv.uz ёки
ict.uzedu@gmail.com орқали
қабул қилинади.

РЕЙТИНГ

Уровня развития внедрения ИКТ в деятельности органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах



В Узбекистане осуществляются последовательные меры по активному внедрению информационно-коммуникационных технологий во все сферы, в частности, по формированию системы "электронное правительство" посредством оказания населению и юридическим лицам интерактивных услуг через правительственный портал и веб-сайты органов государственной власти.

Центром развития системы "Электронное правительство" и Центром информационной и общественной безопасности при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан с I квартала 2014 года на ежеквартальной основе проводится изучение и оценка состояния внедрения и развития ИКТ в деятельности органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах. Задачами рейтинговой оценки являются: анализ текущего состояния внедрения ИКТ в учреждениях, выявление существующих преград, их устранение и оказание содействия при разработке мер, направленных на повышение эффективности, подготовка предложений по наиболее приоритетным на-

правлениям дальнейшего внедрения и развития ИКТ.

По итогам II квартала 2018 года оценкой было охвачено 103 организаций, в том числе 47 органов государственного управления, 42 органа хозяйственного управления и 14 органов государственной власти на местах.

По уровню внедрения и развития ИКТ среди оцениваемых госорганов лидирует АО "Страховая компания Кафолат" (96,85 баллов из возможных 100). Второе место в рейтинге занимает АКБ "Народный банк" Республики Узбекистан, по итогам II квартала 2018 года

зопасности, наличие планов мероприятий по внедрению и развитию ИКТ, качество и достоверность сведений, представленных в межведомственную автоматизированную информационную систему NIS.UZ, предназначенную для приема, обработки и хранения данных, в т.ч. о состоянии внедрения и развития ИКТ в деятельности госорганов.

По итогам оценки за II квартал 2018 года показатели официального веб-сайта и предоставление ИГУ ухудшились за счет систематических нарушений сроков оказания ИГУ, оказываемых через Единый портал.

№	Наименование организации	II квартал 2018 год	II квартал 2017 год
1	АО Страховая компания «Кафолат»	96,85	96,45
2	АКБ «Народный банк» Республики Узбекистан	95,04	83,94
3	АО «Узбекский завод по заготовке и переработке лома, отходов цветных металлов»	94,20	84,40
4	Государственный комитет Республики Узбекистан по автомобильным дорогам	92,49	86,06
5	АКБ «Узпромстройбанк»	90,65	67,94

Таблица: Первые 5 госорганов в рейтинге.

банк набрал 95,04 баллов. АО "Узбекский завод по заготовке и переработке лома, отходов цветных металлов" заняло третье место в рейтинге с 94,20 баллами, средний рост по итоговому показателю в сравнении с аналогичным периодом 2017 года составил 9,80%. Также, согласно результатам рейтинговой оценки, в пятерке лидеров оказались Государственный комитет Республики Узбекистан по автомобильным дорогам — 92,49 балла (рост по сравнению с аналогичным периодом составил 6,43%), а также АКБ "Узпромстройбанк" — 90,65 баллов (относительно аналогичного периода рост составил 22,71%).

Совет фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель Узбекистана с показателем 12,53 баллов занимает последнее место в рейтинге, вместе с тем итоговый показатель по сравнению со II кварталом 2017 года снизился на 19,48%.

Средний рейтинговый показатель снизился с 70,73 баллов по итогам II квартала 2017 года до 68,22 баллов в II квартале 2018 года, т.е. снижение составило 2,51%.

На основании Структуры системы рейтинговой оценки осуществляется анализ таких составляющих, как официальный веб-сайт и предоставление интерактивных государственных услуг (ИГУ), информационные системы и базы данных, осуществленные меры по обеспечению информационной бе-

зопасности, наличие планов мероприятий по внедрению и развитию ИКТ, качество и достоверность сведений, представленных в межведомственную автоматизированную информационную систему NIS.UZ, предназначенную для приема, обработки и хранения данных, в т.ч. о состоянии внедрения и развития ИКТ в деятельности госорганов.

В этой связи полученные результаты систематически изучаются Кабинетом Министров Республики Узбекистан с участием ответственных сотрудников и руководителей госорганов, а также представителями министерства, после обсуждения даются соответствующие рекомендации и предписания по дальнейшему устранению выявленных недостатков.

В указе Президента Республики Узбекистан от 4 февраля 2015 года "Об организации Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан" закреплено, что решения министерства, принятые в пределах его полномочий, являются обязательными для исполнения министерствами, ведомствами, компаниями, ассоциациями, органами государственной власти на местах, а также хозяйствующими субъектами и гражданами. Руководители министерств, ведомств, компаний и ассоциаций, органов государственной власти на местах несут персональную ответственность за своевременную и полномасштабную реализацию комплексных программ по развитию ИКТ, внедрение услуг "электронного правительства" и информационных систем; результаты оценки уровня, эффективности и качества внедрения ИКТ и интерактивных государственных услуг в отраслях и сферах экономики являются основанием для рассмотрения соответствия руководителей министерств, ведомств, компаний, ассоциаций, крупных предприятий и объединений, органов государственной власти на местах занимаемым должностям.

Гузаль ИСМАТУЛЛАЕВА, специалист департамента по анализу и оценке состояния внедрения ИКТ Центра развития системы "Электронное правительство"

По итогам II квартала 2018 года оценкой было охвачено 103 организаций, в том числе 47 органов государственного управления, 42 органа хозяйственного управления и 14 органов государственной власти на местах.

По компоненту рейтинга "Официальный веб-сайт и предоставление ИГУ" снижение по сравнению со II кварталом 2017 года составило 2,77%, средний балл составил — 31,44 баллов из возможных 50. Вместе с тем, результаты проведенного анализа показали, что отсутствие квалифицированных специалистов, ответственных за внедрение ИКТ в госорганах, является одним из основных факторов возникновения проблем, препятствующих эффективному внедрению и развитию информационно-коммуникационных технологий в организациях.

Центром развития системы "Электронное правительство" по итогам ежеквартальной рейтинговой оценки внедрения и развития ИКТ в госорганах готовится подробная информация, с указанием рекомендаций и предписаний по устране-

В ГОРОДЕ ШИРИН ПРОВЕДЕН ВЫЕЗДНОЙ ПРИЕМ ГРАЖДАН

В махаллинском сходке граждан Амир Темур города Ширин при непосредственном участии населения был проведен выездной прием граждан начальником территориальной инспекции Сырдарьинской области по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий У.Бегалиевым, с участием руководителей хозяйствующих субъектов оказывающих услуги почты и телекоммуникаций города Ширин.

В ходе проведенного выездного приема граждан были заслушаны имеющиеся проблемы, предложения и пожелания граждан по предоставлению услуг связи, информатизации и телекоммуникационных технологий. Ряд проблемных вопросов граждан были решены на месте. Со стороны сотрудников территориальной инспекции Сырдарьинской области, а также руководителей хозяйствующих субъектов оказывающих услуги почты и телекоммуникаций города Ширин были даны подробные разъяснения и ответы на все вопросы, интересующие потребителей.

Барча коррупцияга қарши, лекин ҳамма пулни яхши кўради. Ана шу қарама-қаршиликни енга олмаётган нафс балоси коррупциянинг тегирмонига сув қуюётганлиги оддий ҳақиқат.

Коррупция — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ



Хар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хавф соладиган, қолаверса, мамлакат тараққиётига тўсиқ бўладиган бу иллат жамиятни ич-ичидан емириши, барча соҳалар ривожига халақит бериши, энг ачинарлиси, раҳбарлар ва халқ ўртасидаги ишончни йўқотишини барчамиз яхши тушунамиз.

Албатта, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солиши билан ҳам жуда хавфлидир. Давлатимиз раҳбари томонидан коррупция жиноятига қарши курашиш юзасидан қатор қарор ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, коррупция ва уни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизминини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга оид

бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Президентимизнинг шахсан ташаббуси билан 2016 йил 14 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ва 24 ноябрда қўйи палата томонидан қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 8-сессиясида маъқулланган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самардорлигини оширишга, жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Лекин шунга қарамасдан коррупция коррупциялигича қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларида, турли интернет тармоқларида пора билан қўлга олинган айрим амалдорлар ҳақидаги хабарларни афеуски, тез-тез учратяпмиз.

Шу боисдан ҳам ҳуқуқ-тартибот илоралари ходимлари томонидан корхона ва ташкилотларда мазкур қонуннинг мазмун

ва моҳиятига бағишланган тadbirkorликлар ўтказилмоқда.

Худди шундай тadbirkorлардан бири АТ "Алоқабанк" Навоий филиалида ҳам ўтказилди. Филиал ишчи-хотимлари ишгирок этган йиғилишда Кармана туман ички ишлар бўлими тергов бўлини маси бошлиғи Улуғбек Қайомов "Коррупция ва таъмагирлик жамият тараққиётига таҳдид солувчи иллат" мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи мазкур қонуннинг мазмун ва моҳияти ҳақида гапираркан, коррупция тузогига илтинган давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари қаторида банкларнинг хотимлари ҳам борлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, бу иллат кредит бериш, кредит берилгандан сўнг мониторинг қилмаслик оқибатида давлат мулкчини ўзлаштириш, мақсадсиз ишлатилган кредитларга қўз юмиш, пластик карточкаларни нақд пул қилишдаги таъмагирлик, валютани либераллаштириш, лизинг машина олиш, банк сирини ошкор қилиш каби ўнлаб ҳолатларнинг борлиги билан изоҳланишини айтиб ўтди.

Ёки банк ходимининг айби, таъмагирлиги оқибатида вақтида кредит ололмаган тadbirkorнинг иши касодга учраши, тўхтаб

қолиши нафақат тadbirkorнинг ўзи, оиласига, балки жамият ва мамлакат иқтисодиётига қанчалик зарар етказиши мумкинлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди. Шу ўринда ҳар бир банк ходими Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги қонунига ҳам қатъий амал қилиши шартлиги ўқтирилди.

АТ "Алоқабанк" Навоий филиали бошлиғи А.Худойбердиев хотимларга коррупцияга қарши қўймаслик, коррупцияга қарши курашиш ва хотимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳар чоракда бир маротаба ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ҳуқуқ семинарлар ташкил этилиши, тижорат банкларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш учун авваллабор банк хотимлари томонидан таъмагирлик, порахўрлик, мижозларга шахсий манфаатини қўзлаб ўз вақтида атайлаб хизмат кўрсатмаслик ҳолатларига йўл қўймаслик учун лавозим мажбуриятномасини, касб олоб-ахлоқи қоидалари, муомала маданияти кодексига қатъий амал қилиш шартлигини таъкидлади.

М.АТАҚУЛОВА

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ОБОД МАҲАЛЛА — ЭЗГУЛИК ҚЎРҒОНИ

Давлат фельдгерлик хизматида бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарсида бўлим бошлиғи подполковник Н.Ҳакимов ушбу мавзуда маъруза қилди.

— Халқни рози қилишдек эзгу ният йўлида олиб борилаётган залворли ишлар қўлами кундан кун ортиб, янгича маъно ва мазмун бахш этилди, — деди нотиқ. — Президентимизнинг жорий йил 29 мартда имзолаган "Обод

қишлоқ" дастури тўғрисида"ги фармонига асосан шу йилдан бошлаб республикамизнинг ҳар бир туманида 2тадан, кейинги йил эса 3тадан маҳаллани обод қилиш режалаштирилган. Айни пайтда ишни самарали ташкил этиш мақсадида республика миқёсда 336та қишлоқ бола-лар бoғчаси, 318та мактаб, 109та оилавий поликлиника, 79та маҳалла маркази ва бошқа объектлар ҳолатини ўрганиш, биноларнинг ташқи ва ички қис-

мини замонавий талаб асосида таъмирлаш, жиҳозлаш, ён-атрофни ободонлаштириш ишлари қизғин олиб бориляпти.

Мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳоли моддий шароитини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни амалга ошириш шу куннинг муҳим вазифаси қилиб белгиланган.

Хусусан, дастурга тушган маҳаллаларда 112та маҳалла гузари, 133та якка хусусий кўп қаватли уйлар, 804та болалар майдончаси, 49та мактабгача таълим муассасаси, 15та тиббиёт муассасаси, 93та ҳаммом, 198та савдо мажмуаси, 1та мактаб қурилиши қўзда тутилган.

ДФХ ходимларига бошланган бунёдкорлик ишлари тўғрисида кўплаб маълумотлар берилди.

Ўз мухбиримиз

КОМПЬЮТЕРДА ГИГАБАЙТЛАБ ЖОЙ ОЧИШ УСУЛИ

“Қаттиқ дискларни тозалаш учун махсус дастурлар бор, аммо уларсиз ҳам ортиқча "юк"дан халос бўлиш мумкин.”

Компьютерда кўпинча ортиқча файллар, тизимнинг турли қисмлари ёки дастурлар пайдо қилган "чиқинди" тўпланиб қолади. Қаттиқ дискларни улардан тозалаб олиш учун махсус дастурлар бор, аммо уларсиз ҳам ортиқча "юк"дан халос бўлишнинг осонгина йўли мавжуд.

Хусусан, агар компютерингиз янги — Windows 10 амалий тизимида ишлайдиган бўлса, у ҳолда "Хотира назорати" — "Контроль памяти" функцияси орқали уни ўз-ўзидан тозаланиб турадиган қилиш имкони бор. У дискларнинг чиқинди файллардан автоматик тарзда тозаланиб туришини ташкиллаштирилади.

"Хотира назорати" функциясини фаоллаштириш учун Windows қидирувидан фойдаланинг: у ерга "Память" сўзини ёзиб изланг. Натижалар

рўйхатида биринчи бўлиб турган бандни очсангиз, у ерда керакли соламага кўзингиз тушади. Одатда у ўчиқ ҳолда туради — қўрқмасдан шуни ёқиб қўйинг.

Шундан сўнг Windows маълум бир вақт оралиғида барча кераксиз, вақтинчалик файлларни ўчириб, "Корзина"ни тозалаб ва "Юкланганлар" — "Загрузки" жилдидаги эскиларини йўқ қилиб туради.

Ҳақли савол туғилади: модамики автоматик тарзда ўчи-


ришга созланган экан, бу функция сизга керакли файлларни ҳам йўқотиб юбормайдими? Жавоби эса оддий: мазкур функциядаги "Жой бўшашиш усулини ўзгартириш" — "Изменить способ освобождения места" бандини очасиз. Шу ердан ўзингиз истисно ҳолатларни белгилаб қўясиз ва сўнг тозалаш функцияси шу тоифаларга тегайди.

Агарда компютерингизда амалий тизимнинг олдинги версияси қолдиқлари бўлса, "Хотира назорати" сизни улардан ҳам халос этади. Бунда ти-

зим ўрнатилган дискдаги жуда улкан ҳажмли windows.old жилди ҳам ўчирилади.

"Хотира назорати" функциясини сошлаб бўлгач, "Ҳозироқ тозалаш" — "Очистить сейчас" тугмасини босасиз ва кейин натижани кўриб хайратда қоласиз — компютерингизда бир неча гигабайтлаб жой очилади! Бу тугмача шундан кейин сизга керак бўлмайди — тозалаш энди автоматик тарзда, тегишли вақтлар оралиғида амалга оширилади

И.МАХМУДОВ



CHROME

БРАУЗЕРИНИ ИНТЕРНЕТ ЙЎҚЛИГИДА ХАМ ИШЛАТСА БЎЛАДИМИ?

“Gmail фойдаланувчилари Chrome браузерига Gmail Оффлайн кенгайтмасини ўрнатиб олишлари тавсия этилади.”

Хозир интернетсиз "яшаш"ни тасаввур қилиш қийин. Шунга қарамадан интернет узилиб туриши бор гап. Нима қилиш керак?

Ташвишланманг, агарда компютерингизда Google Chrome веб-браузер бор экан, интернетсиз ҳам ишлаб, ҳам вақтингизни кўнгилли ўтказасиз.

Электрон почта

Аксарият фойдаланувчилар браузердаги почта аккаунтини онлайн режимда очишади. Бу қулай, ҳеч қандай қўшимча ўрнатмалар керакмас, аммо интернет узилиб қолса-чи? Gmail фойдаланувчилари Chrome браузерига Gmail Оффлайн кенгайтмасини ўрнатиб олишлари мумкин, шунда электрон почта қутисига келган хатлар локал дискда автоматик равишда сақлаб борилади. Кенгайтма оффлайнда янги хатларни жўната олмайди, лекин фойдаланувчи келган хатларни

интернет узилгунча кўриши ва ҳатто уларга жавоб ёзиши мумкин. Бу хатлар интернет ёнгандан кейин автоматик тарзда жўнатилади. Кенгайтмани ўрнатгандан сўнг оффлайн режимини ёқиш, солаамалардан синхронизация даврийлигини (бир, икки ҳафта, ой) танланг. Шундан кейин ҳар сафар интернет уланганида илова локал дискдаги нусхаларни почта қутисидagi билан синхронлаштириб боради.

Google Диск

Google Диск ва унинг иловалари — Ҳужжатлар, Жадваллар ва Тақдиротларни, агарда интернет узилиб қолгунча қадар Диск солаамаларида фаоллаштириб қўйилса, муқобил режимда ҳам ишлатса бўлади. Фаоллаштирилганидан кейин "булут"да сақланаётган охириги файллар компютер локал сақлагичи билан синхронлашади, бироқ катта ўлчамга эга видео ва мусиқа каби

объектларни дискка қўлда қўчиришга тўғри келади. Оффлайн режимда янги файллар яратиш, мавжудларини эса таҳрир қилиш мумкин. Интернет ёқилганидан кейин бу ўзгартиришлар "булут"дагилари билан синхронлашади.

Видео ва мусиқа

Муқобил режимда ишлаётган Chrome браузер билан интернетдаги филм ва мусиқалардан фойдалана олмайсиз. Бироқ браузер учун локал файллар чўт эмас. Ҳоҳ компютер, ҳоҳ флешкадан бўлсин исталган филм ёки мусиқани браузернинг бўш "йилдакка"си (ёрлиги) устига олиб келсангиз, намоён бўлланади — ҳуллас, таппа-тайёр плеер.

Мақолалар

Chrome дўконда қизиқарли мақолаларни ўқиш ва сақлаш имконини берувчи Pocket Web иловаси бор. Pocketнинг ўзини ҳосилати шундаки, сақланган ҳужжат-

ларни муқобил режимда ўқиса бўлади. Интернет ёнқилиғида кейинчалик ўқиш учун жуда кўп китобларни кўчириб олиш мумкин.

Ўйинлар

Chrome фойдаланувчиларга Супер Мариодан тортиб афсонавий тетрисгача ўйинларни тақдим этади. Фақат буларни интернет ўчмасидан аввал ўрнатиб олиш керак. Умуман, Chrome дўконда жуда кўплаб беғул фойдали иловалар қаторида ўйинлар ҳам бор. Уларни танлаш учун оффлайн-иловалар бандини белгилаб қўйиш керак. Қачон интернет узилганида Chromeнинг "Интернетга уланмиш мавжуд эмас" деган стандарт ойнаси экранда пайдо бўлади. Ва аксинча, бир пайтнинг ўзида "сирли" ўйин ҳам ишга тушади. Саҳифанинг тепа қисмидаги динозаврча "жонланади". У пробел ёрдамида бошқарилади.

С.ТЕМИРОВ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА КИТОБ ЎҚИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ 15 ОНЛАЙН-КУТУБХОНА

“Инглиз тили грамматикасини ўрганишингиз ва луғат бойлигингизни ошириш учун энг яхши йўл — асарларни асл тилида ўқиш. Бу усул муаллифни, унинг услуги ва “тили”ни тушунишда ҳам ёрдам беради.


Инглиз тили грамматикасини ўрганишингиз ва луғат бойлигингизни ошириш учун энг яхши йўл — асарларни асл тилида ўқиш. Бу усул муаллифни, унинг услуги ва “тили”ни тушунишда ҳам ёрдам беради. Албатта, “Ҳарри Поттер”ни инглиз тилида мутлаа қилиш осонмас, бироқ қизиқроқ. “Алиса мўъжизалар мамлакатиди” қанча таржима қилинмасин, муаллиф ўқувчига нимани етказмоқчи бўлгани ҳануз тўлиқ очиб берилмаган. Хуллас, инглиз тилида мутлаа — энг фойдали, тўғри ва мароқли танлов.

Инглиз тилидаги китобларни ўқиш мумкин бўлган бепул онлайн-кутубхоналар:

Free-ebooks.net. Бу кутубхонада электрон китоблар катта жамланмаси жанрлар бўйича тақсимланган. Китоблардан ташқари, журналлар ҳам бор. Фойдаланиш учун рўйхатдан ўтилса бас. Фойдаланиш — бепул.

FreeBookSpot — 5000дан ортиқ электрон китоб жойланган онлайн-ресурс. Ҳаммаси бепул, 95 категорияга ажратилган. Нафақат бадий адабиётлар, таълим ва бизнесга оид китоблар ҳам бор. Уларни кўчириб олиш учун рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди.

ManyBooks — 33000дан ортиқ электрон китоблари бор. Адабиётларни номлари орқали қидириб топиш мумкин. Китоблар компьютерда, Kindle, Nook, iPadда ўқиш



учун форматланган. Асосий афзаллиги — кўплаб китоблар 20дан ортиқ форматда тақдим этилган.

GetFreeEBooks — бу муаллифлар ўз асарларини китобхоналарга тақдим этувчи ҳамжамият. Миллиондан ортиқ китоблар бор ва улар кўпайишда давом этапти. Кўп китоблар EPUB, MOBI, PDF, TXT форматларида тақдим этилган.

FreeComputerBooks — дастурлаш ва математика бўйича китобларнинг улкан жамланмаси. Улар орасидан маърузалар ва ўқув-қўлланмаларни ҳам топиш мумкин. Барча китоблар мавзулари бўйича тоифаланган, топиш осон.

FreeTechBooks — информатика, инженерия ва дастурлаш бўйича бепул китоблар, дарсликлар ва маърузаларни шу сайтдан топиб фойдала-

нишингиз мумкин.

Wikibooks — Викимедиянинг бу ҳамжамияти ўқув-қўлланмаларнинг бепул кутубхонасини яратиш учун тузилган. Адабиётларни излаган фойдаланувчи тахрир қилиши мумкин.

The Online Books Page — интернетдаги 30 000дан ортиқ бепул китоблар рўйхати.

Baen Free Library — илмий-фантастик романлар тўплами. Онлайн ўқиш ёки кўчириб олиш мумкин.

eBookLobby. Бу сайтдаги бепул электрон китоблар турли жанрларга бўлинган: бизнес, санъат, таълим... Керакли категорияни топиб, ўзингизга ёққан китобни кўчириб олаверасиз.

Project Gutenberg — ушбу машҳур лойиҳа 75 000дан ортиқ китобларни рақамлаш-

тирган. Қидирув қаторига муаллиф ёки асар номини киритиб, топилган адабиётларни онлайн ўқишингиз ёки керакли форматда кўчириб олишингиз мумкин.

Planet eBook — бепул мумтоз адабиётлар кутубхонаси. Китобларни кўчириб олиш осон.


e-Library — электрон кутубхонага 91 категориядаги 8000дан зиёд китоб жойланган. Шулардан 500дан ортиғи бепул. Китобларни қидирув ёки рейтинг орқали осон топа оласиз.

BookBoon — талабалар ва сайёҳлар учун PDF форматидаги китоблар. Рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди.

Classicsshorts.com — мумтоз ёзувчиларнинг кичик ҳикояларини шу сайтдан топасиз. Барча китобларни онлайнда бепул ўқийсиз.



10 САЛОМАТЛИК

УЗОҚНИ
ЯХШИ
КЎРАСИЗМИ,
ЯҚИННИ?

Кўриш — одамга ташқи муҳитдаги нарсаларнинг шакли, катта-кичиклиги, ранги, бир-бирига нисбатан ўрни ва оралигини аниқлаб, тегишли ҳаракатлар қилишга имкон берадиган физиологик жараён бўлиб, бош миёдаги кўрув анализаторининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Айтиш керакки, кўзларимиз саломатлиги бош миё, нерв ва юрак-қон томир тизимларининг ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Кўриш қобилиятининг сусайишига олиб келувчи омиллар турли-туман, жумладан: кислород танқислиги, танада ёғ алмашинувининг бузилиши, қандли диабет, стресслар. Буларга, албатта, кўриш гигиенасига амал қилмаслик ҳам қиради.

Кўриш қобилияти бузилишининг энг кўп тарқалган тури — яқиндаги ёки узоқдаги предметларни аниқ кўра олмаслик.

Узоқдан яхши кўриш (гиперметропия) — бу яқиндаги нарсалардан кўра узоқдаги буюмларни яхшироқ, аниқроқ кўриш дегани. Кўз мугуз пардаси ва гавҳари нур синдириш ласқатининг етишмаслиги ёки кўз соққасининг кичиклиги туфайли кўз асосий фокусининг тўр пардада жойлаша олмай, нурларнинг кўздан чиқиб кетиши натижасида кўришнинг ўзгаришидир.

Гиперметропия одамнинг ёшига қараб ўзгаради.

Кўриш қобилиятини
нималар пасайтиради?

Кўриш қобилиятига оид муаммоларга кўпинча жароҳат ва кўз касалликлари сабаб бўлади. Кўзга зарарли одатлар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қуйида кўриш қобилиятининг пасайишига сабаб бўладиган асосий омиллар билан танишасиз.

Катаракта. У туфайли ёш ўтган сайин кўз ичида жойлашган гавҳар қалинлашиб, хиралашиб қолади. Шунинг учун кўриш майдониди туманли доғлар пайдо бўлади, тасвир чапланиб кетади, тунги кўриш қобилияти ёмонлашади.

Сариқ доғ соҳасидаги ўзгариш. Сариқ доғ деб кўз тўр пардаси соҳасига айтилади. У туфайли биз олдимиздаги буюмларни қабул қиламиз. Қуёш нурининг узоқ вақт таъсир қилиши, нотўғри овқатланиш ва бошқа зарарли омиллар қон томирлар шикастланишига олиб келади. Кўпинча айнан шунинг учун ҳам 60 ёшдан ўтган одамларнинг кўриш қобилияти бирдан пасайиб кетади. Сариқ доғ соҳасида дегенератив ўзгаришлар бўлган одамлар кўпинча сўзларни ўқийётганда худди парчаланиб кетётгандек бўлаётганини кузати-

шади. Шунинг учун ҳам ёши 45дан ўтган кишилар кўриш қобилиятини мунтазам текширтиб туришлари лозим.

Чекиш кўрликнинг ривожланишига, шунингдек, кўз тўр пар-



дасида ўзгаришларга сабаб бўлади. 2005 йилда олимларнинг аниқланишича, чекиш кўр бўлиб қолиш хавфини 2 баравар оширар экан. Борди-ю, бу касалликка одамнинг генетик мойиллиги қўшилидиган бўлса, кўрлик 100 баравар ортади!

Кўз тўр пардасининг ёрилиши. Кўриш қобилиятининг тўсатдан йўқолиб қолишига олиб келади. Бу кўз жароҳати, инсулт ва, ҳатто, мигрен хуружи вақтида ҳам юз бериши эҳтимолдан холи эмас.

Глаукома. Кўриш қобилияти кўз ичида суюқлик пайдо бўлиши натижасида йўқолади (бунинг сабаблари ҳали тўлиқ аниқланмаган). Глаукома кўз ичи босими ошишига ҳамда кўз нервларининг шикастланишига олиб келади.

Диабет асорати. Кўриш қобилияти кўз тўр пардасидаги қон томирлар шикастланиши туфайли содир бўлади. Одатда касаллик зўрайиб кетади.

Кўриш қобилиятида ҳеч қандай муаммоси бўлмаган ва ирсий хавфли гуруҳга кирмаган ёшлар ҳар 3-5 йилда кўзларини текширувдан ўтказиб турса етади.


Агар ёшингиз 40-64 атрофида бўлса, офтальмологлар ҳар 2-4 йилда бир марта кўриш қобилияти кўригидан ўтиб туришни тавсия этади.

65 ёшдан катталар эса, ҳатто, кўриш қобилиятига шикоятлари бўлмаса-да, тез-тез: ҳар 1-2 йилда текширувдан ўтиб туришлари лозим.

Эсингизда бўлсин, баъзи хавфли касалликлар бошланғич даврида ҳеч қандай белгисиз кечиши мумкин. Агар ўз вақтида даволанишни бошласангиз, кўпгина дардларнинг олдини олган бўласиз.

БОЛАНИНГ АСАБИЙ
БЎЛИШИГА САБАБ

Психолог тадқиқотчиларнинг фикрича, боланинг асабий ва агрессив бўлиши билан компьютер ўйинларини ўйнаш орасида узвий боғлиқлик бор экан.



Тадқиқотлар шуни аниқладики, компьютер ўйинларини ўйнаётган боланинг яхши ривожланмаган психикаси жуда катта зарар кўрар экан. Ўйинларда қийинчиликлардан ўтиш шартлари бўлса, бу болада агрессивияни ривожлантирар экан. Ҳатто оддий ТЕТРИС ўйинида ҳам бир поғонадан иккинчи поғонага ўтиш шартлари мавжуд бўлиб, болани асабий қилиши аниқланди.

Баъзи ота-оналар компьютер ўйинлари орқали бола ривожланади деб, унга махсус ўйинлар ҳам олиб берадилар. Афсус, бу нотўғри ёндашув. Боланинг ривожланиши учун 5 ҳиссиёт жалб этилиши керак. Кўриш, ҳис этиш, ҳиллаш, эшитиш ва татиб кўриш. Компьютер ўйинини ўйнаш давомида бу ҳиссиётлардан биронтаси ҳам жалб этилмайди. Ҳатто кўриш ҳам бу ерда пасив жалб этилган, кўриш давомида бола бир нарсани кўриб туриб ўрганмай, ўйин давомида сурат алмашинувини идрок этади, холос.

Натижада компьютер ўйинлари нафақат болани ақлий ривожлантирмайди, балки биринчидан, уларнинг психикасига салбий таъсир кўрсатса, иккинчидан болани асабий қилар экан.

Кореяда интернет ва компьютер ўйинлари жуда ривожланган ҳисобланади. Корея олимлари ўйин ўйнаётган бола миёси билан китоб ўқийётган бола миёсини махсус аппаратлар ёрдамида ўргандилар. Китоб ўқиш давомида миёда шундай ўзгаришлар содир бўлар эканки, у миёга витамин юборилганга тенг ҳолат экан. Компьютер ўйнаш давомида эса миё қизи-ган ёки огрийётган ҳолатни намоён қилар экан.

Бола компьютердан фойдаланишига умр мобайнида ҳали улгурди. Лекин кўчага чиқиб чопиб, думалаб, тўп тегишга катта бўлганида имкони бўлмайди.

Компьютер ўйнашни тақиқламаган, уйда компьютер ўйин бўлмаслигини таъминланг. Компьютерда 10тадан ортиқ ўйин борлигини, отаси қунда уларни ўйнашни билган бола, албатта ўйнашни истайди, лекин уйда ўйин бўлиш-бўлмаслиги авваламбор ота-онанинг танлови.

МУҲИМ МАЪЛУМОТ!

Компьютер ўйинлари ривожланган Корея ва Япония мамлакатлари ёшлари кучли психологик муаммоларга эгалиги бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайдилар

(ЖССТ маълумоти).



ЛОНДОНЛИК ТАКСИЧИЛАР БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ

Август ойидан бошлаб Лондондаги кэблар (такси машиналари) юраги уришдан тўхтаган йўловчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида дефибрилляторлар билан таъминлана бошланди, деб хабар берган Standard.co.uk.



Лондондаги шошилнч тиббий ёрдам хизмати мутахассислари таксичиларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва электрон қурилмалардан фойдаланиш бўйича олти ойлик ўқув курслари ўтишди.

Фавқулодда вазият содир бўлганда, яъни йўловчининг соғлиги ёмонлашганда такси ҳайдовчиси "GoodSAM" иловаси ёрдамида қутқарув хизмати диспетчери билан боғланади. "Тез ёрдам" машинаси етиб келгунча таксичининг ўзи юрак массажини амалга ошириши ва дефибрилляторни ишлатиши мумкин. Агарда дефибриллятор йўловчининг юраги урмаётганини кўрсатса, ҳайдовчи электр разряддан фойдаланиши керак бўлади.

Ёслатиб ўтиш керакки, қутилмаганда юраги тўхтаб қолган инсон ҳар дақиқада яшаб кетиш имкониятини 10 фоизга йўқотди.

ШВЕЦИЯДА ЖАЗИРАМА ТУФАЙЛИ ПОЕЗДЛАР ТЎХТАТИЛМОҚДА

Жанубий Швецияда жазирама иссиқ туфайли темир йўлларга шикаст етишидан хавотирланиб, бир қатор поездлар ҳаракати яна тўхтатилди. Бу ҳақда The Local хабар бермоқда.

Айрим йўналишларда чоршанбадан жумагача поездлар юрмайди. Чунки 8-10 август кунла-

ри ҳаво ҳарорати 30-34 даражагача кўтарилиши кутуляпти.

Швецияда май ойидан бери иссиқ ва қуруқ ҳаво ҳукмрон. Метеорологлар мамлакат учун июл ойини охириги бир неча ўн йилликдаги, Стокгольм учун охириги 262 йилдаги энг иссиқ ва қуруқ ой бўлди, дейишяпти.

ЕВРОПАДА ҚИШКИ/ЁЗГИ ВАҚТГА ЎТИШ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Ёзги вақтга ўтиш Европа иттифоқида йилдан-йилга эътирозларга сабаб бўляпти, деб ёзмоқда Rp-online.de. Ҳатто бунинг беко қилиш юзасидан айрим мамлакатлар расмий чиқиш қилишди.

Европа комиссияси оддий европаликларнинг фикрини ўрганиш мақсадида онлайн-сўровнома ўтказишга қарор қилди.

— Ҳозиргача миллиондан ортиқ овозни рўйхатга олдиқ, — деди Еврокомиссия вакили. — Овоз беришнинг дастлабки уч кунда 500 мингдан зиёд инсон қатнашди. Овоз бериш июл ойининг бошида бошланган бўлиб, 16 августгача давом этади. Мана шу овоз бериш ҳамда бошқа талқинотлар натижаларига қараб Еврокомиссия яқиний қарорни қабул қилади.

Ҳозирги вақт алмашини тизими 1980 йили Германияда электр энергиясини тежаш мақсадида қабул қилинган. 1996 йилдан бошлаб Европа иттифоқи мамлакатларида йилда икки марта вақт алмашади: март ойининг охириги яқшанбаси ва октябр ойининг сўнгги яқшанбасида.



ЁПИК ЭШИКЛАР ОРТИДА ПУТИН ТРАМПГА НИМАНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ?

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин АҚШ президенти Доналд Трампга шу йил 16 июл кунини Хелсинки шаҳрида ўтказилган саммитда билдирган таклифлари секин-аста ошқор бўляпти, дея хабар беради "Herald" нашри.

Путин ёпик эшиклар ортида Трампга ядровий қуроллар ишлаб чиқаришни чеклаш билан бирга яна бир неча таклифларни билдирган. АҚШнинг Politico газетаси ёзишича, Хелсинкидаги олий даражадаги учрашувда Путин



Трампа 2010 йили иккала давлат ўртасида ядровий қуроллар ишлаб чиқаришни чеклаш бўйича имзоланган шартномани 5 йил муддатга узайтиришни таклиф қилган. Шу билан бирга, Россия етакчиси Ғарбий Европа давлатларида кузатилаётган бошбошдоқликларга эътибор қаратиб, расмий Вашингтон ва Москва бундай вазиятларнинг олдини олишга ҳар доим шай туришини таклиф қилган.

Путин, шунингдек, минтақада хавфсизликни ошириш ва ҳарбий соҳада шаффофликни таъминлаш тарафдори эканини айтган.

Путиннинг яна бир таклифи сифатида иккала давлат бош штаблари бошлиқлари билан бирга ташқи ишлар ва муҳофаа вазирларининг учрашувини 2+2 форматда ташкил қилиш билдирилди.

АВСТРАЛИЯДА СЎНГГИ 50 ЙИЛДАГИ ЭНГ КУЧЛИ ҚУРҒОҚЧИЛИК КУЗАТИЛМОҚДА

Австралиядаги энг кўп аҳолига эга Янги Жанубий Уэлс штати ҳудудида сўнгги 50 йилдаги энг кучли қурғоқчилик кузатишмоқда.

ABC News телеканалининг таъкидлашича, қурғоқчиликдан Австралия жануби-шарқининг катта қисми азият чекаётган бўлса-да, айнан Янги Жанубий Уэлсдаги 800 минг кв.км. ҳудуддаги вазият ўта кескин.

— Бу жуда қийин. Штатда бирор одам йўқки, фер-

мерларимиз ва маҳаллий аҳоли учун ёмғир ёғишини тилаётган бўлса, — дейди штатнинг хом ашё саноати вазири Ниял Блэйр.

Янги Жанубий Уэлс ҳокимияти ва федерал ҳукумат ҳосилнинг қуриб кетгани сабаб фермерларга моддий ёрдам кўрсатмоқда, аммо бу етарли эмас.

Метеорологлар қуруқ ҳаво яқин уч ой давом этишини тахмин қилмоқда.



ҲАЖ МАВСУМИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Бу йил 19-24 август кунлари бўлиб ўтadиган ҳаж мавсумида хавфсизлик чоралари янада кучайтирилади. Бу ҳақда Sabah.com.tr хабар берган.

Мақка шаҳрида зиёратчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кузатув камералари сони кўпайтирилди.

Хавфсизлик операциялари миллий маркази директори, полковник Валид Салим Абу Шанабнинг айтишича, ҳаж мавсумида ҳар кун 45 минг киши турли масалала марказга мурожаат қилар экан. Мурожаатларнинг 10 фоизини турли вазиятлар ҳақидаги хабарлар ташкил қилади.



АБЭ: "ЯПОНИЯ ЯДРОВИЙ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ЕТАКЧИСИ БЎЛМОҒИ КЕРАК"

Япония бош вазири Синдзо Абэ ўз мамлакатини ядровий қуролсизланиш ҳаракати етакчиси бўлиши кераклигини айтди. Бу ҳақда ТАСС хабар берган.

— Атом бомбардировкаси даҳшатларини ҳис қилиб қўрган ягона мамлакат сифатида биз ядровий қуролсизланиш ҳаракати бошида туришимиз, ядро қуролидан холи дунёга эришиш учун амалий ҳаракатлар қилишимиз зарур, — деди у Хиросима атом бомбардировкаси қурбонлари хотирасига бағишланган маросимдаги нутқида.

Бундан ташқари, бош вазир хикауса — Хиросима ва Нагасаки атом бомбардировкаси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш дастурини кенгайтиришга ваъда бериб, ёшларни атом қуролига қарши ҳаракатга жалб қилиш борасида иш олиб бориш кераклигини таъкидлади.

6 август кунини Хиросимага атом бомбаси ташланганига 73 йил тўлди. Маҳаллий вақт билан соат 8.15да (шу пайтда шаҳар осмонига уран снаряди портлаган) бир дақиқалик сукут эълон қилинди.



ИНДОНЕЗИЯДА ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

Индонезия ғарбидаги Ломбок оролида содир бўлган 7 балли зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони ортиб борапти.

Фавқулодда ҳолат бошқаруви агентлиги матбуот котиби Сутопо Пувро Нутроҳо матбуот анжуманида зилзила қурбонлари сони 8 августга келиб 131 кишига етганини, 477 киши яраланганини, 156 мингдан зиёд киши эса хавфсиз ҳудудларга кўчирилганини маълум қилган.

Ер силкинishi туфайли 43 мингга яқин бино талофот қўрган. Дастлаб пунами хавфи эълон қилинган эди. Бироқ кейинчалик бу хавф бекор қилинди.



12 АЛОҚА ОЛАМИДА



СУПЕРКОМПЮТЕРЛАР

ХИТОЙДА ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ СУПЕРКОМПЮТЕР ЯРАТИЛДИ

Хитойда дунёдаги энг кучли, қуввати "эксаскейл" даражасига чиқарилган янги авлод суперкомпютерининг ишчи модели тақдим этилди, деб хабар бермоқда "Синхуа" агентлиги.

Tianhe-3 номи берилган бу қудратли машина шу пайтгача жаҳон суперкомпютерлари орасида етакчи бўлиб турган Sunway Taihu Light (Хитой)дан ўнлаб марта кучлидир.

Эслатиб ўтамиз, 1 эксасфлопс — бир сонияда квинтиллион (10нинг 18-даражаси) амалиёт бажарилишини англатади.

Ушбу суперкомпютер 2020-2021 йилларда ишга туширилиши кутилмоқда.



ҚУВВATЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ЭНДИ НАВБАТ IPHONEга

Смартфонларда қувватлаш учун битта порт ишлатилиши тўғрими-нотўғрими — Евроиттифоқ мувофиқлаштирувчилари ҳозир шу масалани кўриб чиқишмоқда. Reuters агентлиги хабар беришича, агарда иттифоқ масъуллари ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз қувватлаш мосламасини ишлатилишини нотўғри деб топишса Apple компанияси ўз "айфон"ларида қўллаб келган Lightning портидан воз кечишига тўғри келади.

Бу ҳақда матбуот вакиллариغا ЕИнинг рақобат бўйича комиссари Маргрет Вестагер маълум қилди. Вестагернинг сўзларига қараганда, ЕИ қурилма ишлаб чиқарувчи-



ларни ўз смартфонларига бир хил порт ўрнатишга мажбур қилиши мумкин, демакки, қувватлаш қурилмалари ҳам

бир хил бўлади. Бу чора назарий жиҳатдан чиқиндилар миқдорини камайтиришга хизмат қилиши ва фойдаланувчиларни ноқулайликлардан халос қилиши кутилмоқда. Янги қабул қилинадиган қонуннинг "қурбон"ларидан бири Apple компаниясининг Lightning порти татбиқ этилган iPhone смартфонлари бўлиши мумкин.

Бу чорани Еврокомиссия ўн йил илгари ҳам таклиф қилганди. 2009 йили Apple, Samsung, Huawei янги смартфонларини бир хил қувватлагичлар билан чиқаришга келишиб олганди. Вақт кўрсатяптики, Apple ўз қароридан қайтган.

3D

3D-ЧОП ЭТИШ ХАРАЖАТЛАРИ 2022 ЙИЛДА 23 МЛРД. ДОЛЛАРГА ЕТАДИ

IDC таҳлилчилари 3D-чоппи билан боғлиқ аппарат ва дастурий таъминот глобал харажатлари 2019 йилда 14 млрд. доллардан ошишини чамалашмоқда.

Агарда бу ҳисоб-китоб ўзини оқласа, 2018 йилги кўрсаткич 23,2 фоизга яхшиланган бўлади. 2017 йилдан то 2022 йилгача йиллик ўртача ўсиш 18 фоиз сақланиб турса бозор ҳажми 23 млрд. долларгача кенгайиши мумкин.

Ушбу харажатларнинг (23 млрд. доллар) деярли учдан икки қисми 3D-принтерлар ва материалларга тўғри келади. Эҳтиёт қисмлари ва тизим интеграцияларига 4,8 млрд. доллар сарфланади.



БИЗНЕС

SIEMENS СТРАТЕГИЯСИГА АНИҚЛИК КИРИТДИ

Siemens концерни ўз келажагини уч асосий йўналишда кўрмоқда. Булар орасида нарсалар интернетига учун интеграциялашган сервислар ишлаб чиқиш ҳам бор.

Умуман олганда концерн таркибида учта компания тузилади: "Нефтегаз ва энергетика", "Интеллектуал инфратузилма", "Рақамли ишлаб чиқариш". — Келажакда йирик компаниялар эмас, балки янги шароитларга мослашган компаниялар қолади. Шунинг учун ҳам биз ўз корпоратив маданиятимизни фаол ривожлантириб, ўз бўлиналариимизга кўпроқ тadbиркорлик эркинликларини бераймиз, — деди Siemens президенти ва бошқаруви раиси Жо Кэзер.



БОЗОР

НТС ОХИРГИ 15 ЙИЛДА ЭНГ КАМ ТУШУМ ҚИЛДИ

НТС компанияси иккунчи йили ҳисоботини тақдим этди. Молиявий кўрсаткичлар ўша-ўша: пасаймоқда, бироқ бу сафар анча сезиларли бўлди.

Компания ўтган ойда 45,7 млн. тушум қилди — бу бир йил илгари 77 фоиз оз, шунинг баробарида охириги 15 йилдаги энг паст кўрсаткичдир. Биринчи ярим йилликдаги жами тушум 555 млн. доллар (ўтган йилги кўрсаткичдан 54 фоиз кам).

Нега бундай: компания смартфонлари яхши сотилмаяпти, янги русумдаги смартфонлари ҳам вазиятни ўнглай олмапти.

Ҳисоботдан сўнг компания акциялари қиймати 5,5 фоизга қадрсизланди. Бу ҳунук аъёна иккунчи йилдан бери давом этапти.

МОБИЛ ХАВФСИЗЛИК

АНДРОИДЛАРГА ЭРОНДА, "АЙФОН"ЛАРГА ХИТОЙДА ЭНГ КЎП ҲУЖУМ УЮШТИРИЛМОҚДА

ESET антивирус компанияси мутахассислари қайси мамлакатта қанча мобил-таҳдидлар тўғри келишини ҳисоблаб чиқишди. Баҳолаш ESET NOD32 антивируси ўрнатилган телефонлардаги аниқланган вирусларга қараб амалга оширилди.

Андроид-смартфонларга энг кўп киберҳужум уюштирилаётган мамлакат — Эрон (жами ҳужумларнинг 16 фоизи). Иккинчи ўринда — Россия (14 фоиз), учинчи — Уганда (8 фоиз).

Киберэкспертлар энг фаол вируслар сифатида криптовалютани ўғирловчи Satori ва Exobot банк троянини тилга олишди.

"Айфонлар", яъни iOS ўрнатилган смартфонларга ҳужум борасида Хитой яқка пешқадам (61 фоиз). Иккинчи ва учинчи ўринларда Тайван (13 фоиз) ва Гонконг (3 фоиз).



СМАРТФОНЛАР

АФСОНАВИЙ PALM БОЗОРГА ҚАЙТМОҚДА

Бир пайтлар чўнтак компютерлари орқали ҳаммага танилган Palm бренди қайтмоқда — йил охиригача шу номдаги смартфон чиқарилади.

Брендга эгалик қилаётган Хитойнинг TCL Communication компанияси шу йўл билан Palm брендини тиклашга уриниб кўради.

Янги қурилма Android 8.1 Oreo платформасида ишлаши кутилмоқда. Компания бошқа маълумотларини ошкор қилмаган.

Palm аслида Америка бренди бўлиб, 90-йиллар охири, 2000-йиллар бошида чўнтак компютерлари сифатида жуда оммалашганди. 2014 йили уни Хитойнинг TCL компанияси сотиб олди. Дарвоқе, яна бир машҳур бренд — BlackBerry ҳам TCL ихтиёрига ўтган.



АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР

GOOGLE КОМПАНИЯСИ ANDROID РНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТАҚДИМ ЭТДИ

20 августта мўлжалланган тақдимот 6 августга кўчирилди — Android P мобил амалий тизими (тўлиқ номи — Android 9.0 Pie ("Пирог")) тақдим этилди.

Ҳозирча Android Рни Google Pixel смартфонни соҳиблари ўрната олишди (янгиланиш "ҳаво"дан келади), қузгача бу тизимни Sony, Xiaomi, HMD Global (Nokia), Oppo, Vivo, OnePlus ва Essential смартфонларига ҳам ўрнатиш мумкин бўлади.



КОМПЮТЕРЛАР

СУВ ОСТИДА ИШЛАЙДИГАН НОУТБУК ИХТИРО ҚИЛИНДИ

Raytheon компанияси дунёда биринчи бўлиб сувга тушса бузилмайдиган ноутбук (Uncia) ишлаб чиқди. Uncia Хитойда ўтган China Joy кўргазмасида намойиш қилинди.

Бу ноутбукнинг устига кўрқмасдан сув қуйиш, ҳатто уни сув остига олиб тушиш мумкин — бузилмасдан ишлайверади.

Ноутбукка 13 дюймли экран ўрнатилган, корпуси 12,7 миллиметр қалинликда, оғирлиги — 1,1 килограмм. Қурилма IP68 стандарти бўйича ҳимояланган, яъни сув остида узоқ вақт турсам бузилмайди.

Қурилма тўрт ядроли Intel Core i7-8550U процессоридан ишлайди. Савол туғилади: ноутбук сув ўтказмайди, демак, унинг ичига ҳавою кирмайди — совитиш қандай амалга ошади. Ишлаб чиқарувчи бу саволга совитиш ноутбукдан иссиқни чиқариб юборувчи махсус тизим орқали амалга ошишини билдирган.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

ГАП ИСБОТИ БИЛАН

“Ўзбектелеком” АКнинг DSLAM технологияси асосида вилоятда юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имконияти мавжуд, умумий портлар сони 20852тани ташкил этади ва шундан 14678та порт бугунги кунда тўлиқ ва самарали ишлатилмоқда.

Бугунги кунда ахборот асрининг энг катта ютуқларидан бири сифатида алоқа операторларининг замон билан ҳамнафаслигини, кун сайин, керак бўлса, соат сайин янгиликлар, ўзгаришларга юз таътганлигини эътироф этиш мумкин. Хусусан, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Навоий филиалида аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасидаги амалга оширилган ишлар диққатга сазовор.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017–2020 йилларда шаҳар марказларида кўп қаватли тураржой уйлари куриш ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича навқирон ва бетакрор Навоий шаҳрида ҳам кўплаб уйлар қурилмоқда.

Қурилатган кўп қаватли биноларда FTTb лойиҳаси асосида кенг полосали интернет хизматларини кўрсатиш мақсадида 5,5 км. оптик толали алоқа кабеллари тортилди ва охиригача қурилмалар ўрнатилиб, уйларда яшовчиларга интернет ва IPTV интерактив хизматларини кўрсатиш учун шай ҳолатга келтирилиб, сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

“Ўзбектелеком” АК томонидан 2018 йил 19 февралда “Навоий филиалида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва ҳажмининг янада ошириш чоратадбири режаси” ишлаб чиқилди. Унда Навоий шаҳрининг “Чутқара” мавзесидаги намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларга сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатиш кўзда тутилган. Бу ердаги MSAN қурилмаларини ишга тушириш мақсадида 14 км. оптик толали алоқа кабеллари тортилди.

Ҳозир “Чутқара” мавзесидаги MSAN қурилмалари ишга туширилган, ҳудудда яшовчи



аҳоли интернет ва IPTV хизматларидан фойдаланмоқда.

Навоий АМТСдан 224, 225, 226 ҳамда 225/5 АТСлар бўйлаб “ҳалқа” ташкил этиш мақсадида 16 км. узунликдаги оптик толали кабел ажратилди ва шаҳар тармоғига ётқизилди. Навоий АМТСга бир донга GPON OLT қурилмаси ўрнатилиб ишга туширилди.

“Ўзбектелеком” АК Навоий филиали вилоятимиз аҳолисига телекоммуникация хизматлари йўналишида кенг тармоқли ва сифатли алоқа хизматларини тақдим этиш бўйича алоқа операторлари ўртасида энг ишончлиси десак асло муболага бўлмайди.

Биргина мисол: “Ўзбектелеком” АКнинг интерактив телевидение технологияси асосида IPTVга улашиш режаси навоийликлар томонидан 190 фоизга, ADSL-интернет ва FTTH режалари 120 фоизга бажарилди.

“Ўзбектелеком” АКнинг DSLAM технологияси асосида вилоятда юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имконияти мавжуд, умумий портлар сони 20852тани ташкил этади ва шундан 14678та порт бугунги кунда тўлиқ ва самарали ишлатилмоқда. Қолган 5998та бўш порт ҳам аҳолига интернет ва IPTV хизматларини тақдим этиш учун шай. Вилоятимизнинг Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида интернет ва IPTV хизматларини тақдим этиш учун FTTH технологияси асосида ишлар олиб боришган ва умумий монтаж қилинган портлар сони 9212тани ташкил этади.

— Филиал бўйича барча рақамли станцияларда ҚХТ (қўшимча хизмат турлари)дан фойдаланиш имконияти бор, — дейди “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали директори Жамшид Жўраев соҳада қилинган ишларга тўхтаётган. — Филиал бўйича рақамли телефон станцияларида 21 турдаги сервис хизматлари кўрсатилмоқда ва бу хизмат турларидан филиалимиз биринчи ярим йилликда 169,2 млн. сўм даромад кўрди. Келгусида телефон ва интернет хизматлари учун портлар сонини кўпайтиришни амалга ошириш ҳам режамизда бор.

Билимли, ташкилотчи ва ташаббускор раҳбар, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати Ж.Жўраев соҳадаги янгиланишлар ва ўзгаришларнинг ижодкори. Маса-

лан, Навоий шаҳри Кармана тумани билан чегаралош бўлганлиги ҳамда аҳоли тураржойларининг бир-бирига яқинлиги инobatта олиниб, тарифлар қайта кўриб чиқилди. Шаҳар ва туман аҳолисининг телефон алоқаси орқали мулоқот қилишларида қулайликлар яратиш, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш мақсадида “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали Кармана туман телекоммуникациялар боғламаси ва Навоий шаҳар телекоммуникациялар боғламаси абонентлари учун ягона тариф зонаси ташкил қилинди. 2018 йил 1 июндан бошлаб Кармана туман телекоммуникациялар боғламаси абонентлари Навоий шаҳар маҳаллий телефон тармоғига қўшилди. Энди Навоий шаҳри ва Кармана тумани телефон абонентларининг ўзаро мулоқотлари маҳаллий ҳисобланиб, шаҳарлараро сўзлашув ҳисобланмайди. Филиалда яна бир ибрат олса арзийдиган хайрли анибана бор. Соҳа фидойилари, меҳнат фахрийлари ҳолидан мунтазам равишда хабар олинади, 146 нафар пенсионерга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатилади. Байрамларда, касб байрами муносабати билан меҳнат фахрийлари ҳамда соҳа ривожига ҳисса қўшган ходимларга байрам дастурхони ташкил қилиниб, улар ҳалол меҳнати, кўп йиллик хизматлари учун тақдирланмоқда.

Меҳнат фахрийларига касба уюшмаси кўмитаси томонидан озик-овқат маҳсулотларининг тарқатилиши, ёрдамга муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатилиши ҳам инсон қадрини барча нарсалардан улуғлигини, меҳнат қилган киши элда ҳамиша азиз бўлиши муқаррарлигини кўрсатиб турибди. Ишчи ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақалари ўтказилиши ҳам йўлга қўйилган. Филиал ходимлари ҳамда туман ва шаҳар телекоммуникация боғламалари ходимларидан ташкил топган 12та жамоа ўртасида мини-футбол кубоги бўлиб ўтди. Қизгин баҳс ва курашларга бой бўлган мусобақада биринчи ўрин “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали бошқарув аппарати жамоасига, иккинчи ўрин хатирчилик телекомчиларга, учинчи ўрин Навоий шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоасига насиб этди.

Ижтимоий ҳимоя билан бир қаторда ишчи-ҳодимларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил Бухоро вилоятидаги “Ёш алоқачи” оромгоҳида жами 43 нафар, Қизилтепа туманидаги “Дустлик” болалар оромгоҳида 10 нафар навоийлик алоқачилар фарзандлари соғломлаштирилди.

— Йулланма асосида фарзандларим Руҳона ва Лазизахонлар ёзги таътилда мазза қилиб оромгоҳда дам олишди, — дейди персонал билан ишлаш бўлими мутахассиси Озода Турдиева.


— Ўғлим Асадбекка ҳам оромгоҳга йўлланма ажратгани учун раҳбариятдан миннатдорман, — дейди филиал фарроши М.Нарзуллаева. — Чунки болаларимиздан, уйимиздан кўнглимиз хотиржам бўлса, ишимиз унумли бўлиши аниқ.

Филиалда ишлаган ва ишлаётган барча ходимларга, шунингдек, нафақага чиқиб, ишламаётган ёлғиз пенсионерларга, меҳнат фахрийларига иш беришчи томонидан соҳада камиди 10 йил ишлаганларга ҳонадон телефони учун ойлик абонент тўлови 100 фоиз моддий ёрдам сифатида тўлаб берилаётганлиги ҳам фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, ишлаётган ишчи-ҳодимларнинг ўз ишига фидойилик билан ёндашишига ёрдам бермоқда.

Фидойилар эса ҳамиша корхона ардоғида, эъзозу эҳтиромда. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун филиалнинг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими олий тоифали муҳандиси Жамила Саматова, Навоий ШТБ олий тоифали муҳандиси Исмонил Сафаров, ҳужжат алмашинуви ва назорат хизмати бошлиғи Ғофиржон Орзикулов, Кармана ТБ АТС электромонтёри Жамила Жўраева-лар “Ўзбектелеком” АК фахрий ёрлиғи билан тақдирланишган.

“Ўзбектелеком” АК Навоий филиали бугунги глобаллашув жараёнида янги марралар, янги уфқларни кўзлаб оидламоқда. Бу одимларни ахборот асри тезлигида ўлчайдиган бўлсак, унинг нақалар юксаклигини ҳис этамиз.

Маруся ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири



Суратда: Филиал касба уюшмаси кўмитаси меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор қаратади.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Эрл Стенли Гарднер

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ЎҒРИСИ



(Ҳикоя)

“Кутилма-
ганда у ор-
тида кимдир
хитоб қил-
ганини эш-
итди. У
ўғирлиди-ю,
чироқ нурида
ялтираётган
тўппончани
кўрди.”

Боб Ферфилд қизнинг нонушта ҳам қилмаганлигини сезди. Шу пайт официант патнис кўтариб келди. Боб қахва, булочка ва қовурилган гушт олиб, иштаҳа билан овқатланишга киришди. Ферфилд худбин эмасди, аммо унинг энг асосий қондаси бегона йўловчиларга яқинлашмаслик эди.

Икки соатдан сўнг поезд Лос-Анжелесдаги Аркейд вокзалига кириб келди. Боб Ферфилд вагондаги барча йўловчилар тушиб кетишини кутиб турди. Шундан кейингина перронга тушди ва жануб ҳавосидан мириқиб нафас олди. У тез-тез юриб кўчага чиқди. У одатига кўра олдига келиб тўхтаган таксига эмас, кейингисига чиқди ва меҳмонхонага равона бўлди.

Боб Лос-Анжелесга тез-тез келиб турар, шунинг учун бу ердаги меҳмонхоналардан биридан ўзига алоҳида хона буюртма қилиб қўйганди. Бу хона унинг иккинчи уйига айланиб қолганди. Хонадаги шкафларда унинг кийимлари, китоб жавонида сеvimли китоблари, энг асосийси — кичкина, лекин ишончли сейф бор эди. Бу сейфни очиш учун ҳар қандай ўрининг камида бир неча соат тер тўкишига тўғри келарди.

Ферфилд бу хонада уни тунашга ҳаракат қилишларидан ташвишланмасди. Шунчаки у ҳар сафар ташқарига чиққанида бриллиантларни ўзи билан олиб юрмаслик учун сейф қилдирганди. Меҳмонхонанинг сейфи ҳам бор эди, лекин мижозлар унинг олдида ўтирганида у қимматли вақтини сарфлаб ҳар сафар ертўладаги сейфга боришни маъқул кўрмасди. Ферфилдга бриллиантларини хонанинг ўзидаги сейфдан олиб харидорга кўрсатиш қулай эди.

Меҳмонхона хизматчиси Боб Ферфилдни тавозе билан кутиб олди. Ҳаво ҳам, нонушта ҳам Бобнинг кайфиятини кўтариб юборганди.

У хонасига кирди, сейфнинг рақамларини териб очди, сумкасидан бриллиантларни олиб бирпас томоша қилди ва сейфга солди. Сўнг сейф эшигини ёпиб, рақам терди. Шундан кейингина энгил нафас олди. Поезддаги хавотиридан ҳозир кулгиси келаётган бўлса-да, Боб барибир Слик Симмзни эсласа қалтироқ босарди.

— Асабим чарчабди, — мингирлади Ферфилд.

Боб виски қуйиб ичди ва эшик томон йўналди. У пастга тушиб меҳмонхона бошқарувчиси билан гаплашмоқчи, кейин бирор таниш билан тушлик қил-

гач, харидорлар билан учрашиб бриллиант савдосига киришмоқчи эди.

У йўлакка чиқиб, эшикни қўллашга уринаётганда кўз қири билан лифт томон кетаётган аёлни кўрди. Боб унга эътибор бермади, чунки аёлларга деярли қарамасди.

Кутилмаганда у ортида кимдир хитоб қилганини эшитди. У ўғирлиди-ю, чироқ нурида ялтираётган тўппончани кўрди.

Унинг рўпарасида тўппонча ушлаганча поездда ўн иккинчи ўриндикда ўтирган қиз турарди.

— Мени пойлаб юрганнингизни билгандим! — деди қиз. — Марваридимни ўғирламоқчимисиз! Кечира-сиз жаноб, мен аҳмоқмасман! Полицияда гаплашамиз сиз билан.

Таажубдан Ферфилднинг оғзи очилиб қолди.

— Нима деяпсиз? Мана-ви матоҳингизни олинг, — деди у ўзига келиб.

— Мени ортимдан кузатиб поездга чиқдингиз, — деди қиз. — Мен ўтирган вагонда келдингиз. Туни билан ухламаганим учун мақсадингизга етолмадингиз. Энди мен тушган меҳмонхонага келиб, мен билан битта қаватдан хона олдингиз! Ҳаммасини биламан! Котибамни бўшатиб тўғри қилган эканман. Полиция унинг аллақандай ўғри билан гаплашганини кўрганлиги ҳақида мени огоҳлантирганди. Менинг қайси поездда кетишим, қайси меҳмонхонада туришим ҳақида сизга котибам айтганми? Кўрамин, полицияда нима деб жавоб беришингизни. Лифтга чиқинг! Ортиқча ҳаракат қилсангиз отиб ташлайман.

Ферфилд кулиб юборди.

— Сиз мени ўғри деб ўйлаяпсизми? — деди у. Қизнинг кўзларида ғазаб учқуни чақнади.

— Мени аҳмоқ қиламан деб ўйламанг! — қичқирди у.

Боб Ферфилд чўнтагидан аста ташриф қоғозини олди ва қизга узатди.

— Ўзимни таништиришга рухсат этинг. “Саттер, Медисон ва Ферфилд” бриллиант савдоси билан шуғулланувчи фирма ходими Боб Ферфилдман. Мен доим шу меҳмонхонада тураман. Бошқарувчи мени жуда яхши танийди.

Қизнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. У тўппончасини сумкасига солди.

— Э Худойим! — хитоб қилди қиз. — Мен сизтлик Грейс Деланоман. Сизларнинг фирмангиз билан олди-сотди қилганман. Буни қаранг! Боб Ферфилд! Мен бўлсам сизни ўғри деб ўйлабман... — у кулиб юборди. — Гап шундаки, менда жуда қимматбаҳо тақинчоқ бор. Поттерлар коллекциясининг марвариди. У сумкамда турибди. Харидор билан учрашувга кетаётгандим. Сизни вагонда кўрганимда...

Қиз унга қўлини узатди. Ферфилд унинг қўлини сиқиб қўйди ва таъзим қилди.

— Қаранг, — деди қиз. У сумкасини очганида Боб қора чарм устида товланаётган оппоқ марваридларни кўрди.

— Менга яхшигина таклиф бўлди, — деди қиз ён-атрофга эҳтиёткорлик билан қараб олиб.

У кутилмаганда шартта сумкасини ёпди. Йўлакда бир эркак келарди. Унинг совуқ боқувчи кўзлари Боб Ферфилд ва унинг ёнидаги қиз томонга қаратилганди. Унинг ортидан яна иккита нусха келарди. Бостириб кийган шляпалари остида уларнинг дахшатли кўзлари учқун сочиб турарди.

Боб Ферфилд Слик Симмзни таниди. У хавфли кимсалар ва ҳеч ким ёрдам бера олмайди-

ган кимсасиз йўлакка кўз югуртириб ўзининг нақадар ожизлигини сезди.

— Тезда бу ёққа! — хитоб қилди у.

Қиз унга бўйсунди. Боб калитни бураб, эшикни очди ва қизни ичкарига тортди.

Слик Симмз шерикларига нимадир деди ва улар Бобнинг хонаси томон югуришди. Аммо Боб Ферфилд ичкарига кириб, эшикни қўллашга улгурди.

Қиз унга хавотир билан тикилди.

— Нима бўлди? — сўради у.

— Слик Симмз, — қовоғини уйганча жавоб берди Боб, — қимматбаҳо тошлар ўғриси. Сизни йўл бўйи у кузатиб келган. У биз билан битта вагонда келди. Мен уни танийман. У мени таъқиб қияпти, деб ўйлагандим. Чунки Уитни бриллиантларини олиб келаётгандим.

Қизнинг кўзлари катта-катта очилди, сўнг жилмаиди.

— Буни қаранг, мен ҳатто бу ўғри билан битта вагонда келаётганлигимни билмабман. Туни билан сиздан кўрққаним учун ухламай чиқибман.

— Аммо сизнинг эҳтиёткорлигингиз наф берган. Котибангизни ўғрилар билан қўришганлигини айтгандингиз. У котибангизга катта пул берган бўлиши мумкин. Бизнинг ожиз томонимиз бор. Ўғриларга бизнинг нима олиб кетаётганимиз ва қайси вагонда эканлигимиз ҳақидаги маълумот кифоя. Мен эркак кишиман, ўзимни ҳимоя қила оламан. Аммо сиз ёлғиз ўзингиз қимматбаҳо тошларни олиб юрмаслигингиз керак.

— У ташқарида кутяптими? — сўради қиз эшикка ишора қилиб.

— Билмадим, аммо полицияга қўнғироқ қилиб қўяман, — жавоб қайтарди Боб.

— Йўқ, илтимос, керакмас, — ялинди қиз. — Бу нарсга газетада чиқишини истамайман.

Агар бу воқеа газетада чоп этилса, мижозим марваридни сотиб олмай қўяди. Шунинг учун ҳам мен ҳеч кимга билдирмасдан ёлғиз ўзим келгандим. Сиз бриллиантнингизни ўғирлатиб қўйишдан кўрқаяпсизми?

(Давоми бор.)

Русчадан
Дилшодбек АСҚАРОВ
таржимаси

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан янги почта маркалари муомалага чиқарилди.

“Зомин тоғ-арча давлат қўриқхонаси” почта маркалари туркуми

2018 йил 6 августдан “Зомин тоғ-арча давлат қўриқхонаси” туркуми муомалага чиқарилди.

Туркум кичик варақ қўринишида бўлиб, 8та почта маркасида иборат. Почта маркаларида Зомин тоғ-арча давлат қўриқхонасида яшовчи ҳайвонлар ва ўсимликлар тасвирланган.

Кичик варақда ўзбек тилида латин графикасида “Зомин тоғ-арча давлат қўриқхонаси” ёзуви жойлашган. Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг номлари латин тилида берилган. Почта маркалари бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Перфорацияси тароқсимон. Қоғози оқ силлиқ. Почта маркаларининг ўлчами 40х40 мм. Кичик варақнинг ўлчами 200х120 мм. Адади 8 минг нусха. Рассом — А.Ким, дизайнер — Е.Каневес.



Идентификация рақамлари берилган ва номиналлар ўрнатилган.

- 1310. “Corvus corax”. Номинали — 900 сўм
- 1311. “Sus scrofa”. Номинали — 1000 сўм
- 1312. “Juniperus”. Номинали — 1800 сўм
- 1313. “Vulpes vulpes”. Номинали — 2700 сўм
- 1314. “Eremurus”. Номинали — 2800 сўм
- 1315. “Alectoris chukar”. Номинали — 3200 сўм
- 1316. “Ziziphora”. Номинали — 3400 сўм
- 1317. “Noctuidae”. Номинали — 3700 сўм

“Ўзбекистон маркаларида спорт” туркуми

2018 йил 6 августдан “Ўзбекистон маркаларида спорт” туркумининг махсус почта маркалари муомалага киритилди.

Почта маркалари Жакарта шаҳрида ўтказиладиган XVIII Осиё ўйинларида бағишланган. Почта маркаларида кураш ва футбол спорт турларидан фрагментлар тасвирланган. Почта маркалари бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Перфорацияси тароқсимон. Қоғози оқ силлиқ. Почта маркаларининг ўлчамлари 42х30 мм. Адади 8 минг нусха. Дизайнер — У.Юсуналиев.

Идентификация рақамлари берилган ва номиналлари ўрнатилган.



- 1318. Кураш. Номинали — 2700 сўм
- 1319. Футбол. Номинали — 2800 сўм

Почта маркалари “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан тайёрланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Коллектив филиала “Тошкент почтамати” приносите свои соболезнования заместителю начальника участка обмена обработки почты Норматовой Людмиле Артыкбаевне в связи с кончиной матери

Ломовой Веры Петровны.

“Электромагнит мослашув маркази” ДУК жамоаси Наманган вилояти электромагнит мослашув хизматининг 1-тоифали радиооператори Исманжон Козубаевга қизи

Моҳинабонуниг

вафоти муносабати билан қуқур таъзия изҳор этади.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА 232 НАФАР СПОРТЧИМИЗ ҚАТНАШАДИ

Жорий йилнинг 18 август — 2 сентябр кунлари Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида XVIII ёзи Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Мусобақада 232 нафар атлетимиз спортнинг 30 тури бўйича ғолиблик учун баҳслашади.

7 август кунли Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида мазкур мусобақада иштирок этадиган спортчиларни расмий кузатиш маросими ўтказилди.

Маросим доирасида Ўзбекистон спорт делегацияси учун янги либослар топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу спорт экипировкалари Хитойнинг “QIERTE Co.Ltd” компанияси “PRES-JOG” бренди томонидан тақдим этилди.



XVIII ёзи Осиё ўйинларининг очилиш маросимида бокс бўйича Осиё чемпиони Исроил Мадримов Ўзбекистон делегациясининг байроқдори бўлади.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛ ОЛАЁТГАН ЯКУНИЙ ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг бош мураббийи Равшан Ҳайдаров Осиё ўйинларига йўл олаётган якуний таркибини эълон қилди.

Дарвозабонлар:

Ботирали Эргашев (Навбахор)

Раҳим Давронов (Машъал)

Ҳимоячилар:

Достонбек Турсунов (Нефти)

Ислом Қобилов (Бунёдкор)

Аббос Отахонов (Металлург)

Ҳожиакбар Алижонов (Пахтакор)

Рустам Ашурматов (Бунёдкор)

Ақром Комилов (Бунёдкор)

Ярим ҳимоячилар:

Одил Ҳамробеков (Насаф)

Жавохир Сидиқов (Кўқон-1912)

Жасур Яхшибоев (Пахтакор)

Дониёр Нарзуллаев (Насаф)

Жалолдин Машаринов (Пахтакор)

Азиз Турғунбоев (Навбахор)

Хуршид Ғиёсов (Бунёдкор)

Икром Алибоев (Локомотив)

Достон Ҳамдамов (Анжи, Россия)

Ҳужумчилар:

Забиҳулло Ўринбоев (Металлург)

Бобур Абдухолиқов (Насаф)

Андрей Сидоров (Нефти)

ЭКТОР КУПЕР ЎЗБЕКИСТОН МТЖНИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРАДИ?

Миллий олимпия қўмитасининг анжуманлар залида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги мураббийи Эктор Купер билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мураббий Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан шартнома тузишининг асосий сабабини айтиб ўтди. Бу — Ўзбекистон терма жамоасининг ўз олдига қўйган жиддий мақсадидир. Яъни, Осиё чемпионатидаги ижобий натижа ва азалий оғир бўлган жаҳон чемпионатида чиқиш. Шу сабаб аргентиналик мутахассис ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси ўртасида “3+1” схема-



сида шартнома тузилган.

“Осиё кубоги ва 2022 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичида ижобий натижа кўрсатиш учун барча ёшдаги терма жамоалар билан биргаликда ҳаракат қиламиз, деб умид билдираман”, деди Эктор Купер.

У ўзбекистонлик футболчиларни кузатишни аллақачон бошлаганини таъкидлади ҳамда ўзининг ўйин фал-

сафаси ҳақида гапирди:

— Менинг фалсафам футболчиларга қараб ўйин схемасини тузиш эмас, балки ўзим туғри деб ҳисоблаган схемаларга ўйинчиларни мослаштириш ёки шунга мос кучдан кучли жамоани шакллантириш.

Эслатиб ўтамиз, Эктор Куперга 56 ёшли аргентиналик Хосе Карлос Фантагуцци ва 37 ёшли грециялик Антонио Сарриоглу ассистентлик қилса, 36 ёшли мисрлик Маҳмуд Фаёз Муҳаммад Шулаф жисмоний тайёргарлик бўйича ёрдамчилик қилади.


ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Чехиянинг Речице шаҳрида академик эшак эшиш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати старт олди.

Дунёнинг 58 мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар қаторида ўзбекистонликлар ҳам совринли ўринлар учун баҳсга киришди.

Спортнинг ушбу тури бўйича энг муҳим саналган мазкур мусобақада юртимиз шарафини Толиб Исабоев устозлигида Давронов ва Евгений Агофоновлар ҳимоя қилишади.

Этиборли жиҳати, айнан шу спортчиларимиз октябр ойида ҳам Аргентинада бўлиб ўтадиган III ёзи ўсирилар Олимпия ўйинларида юрт шарафини кўрашга киришади. Баҳслар 13 августта қадар давом этади.



ШЕРНИ ЭМАС, ҒАЗАБИНИ ЕНГТАН КУЧЛИ

Шунинг учун ҳамма вақт ғазаб келганида, ўзингизни босинг. Бирон ҳаракат билан ўзингизни абгор қилманг.

Мастура хола энди тушлигини тугатган эди ҳамки, дарвоза тарақлаб очилиб, биринкетин неваралари чолиб киришди. Улар Мубинани юпатишга ҳаракат қилишар, у эса ғазабдан қалтираб, "Ҳали шошмай турсин, мен ҳам эртагаёқ унга қайтараман", — дея кўча томонга қараб-қараб кўярди. Хола уларни ёнига чорлади ва келишгач, нима воқеа бўлганини сўради.

— Анави, қўшингиз борку, Наргиза, шу велосипедда Мубинани туртиб кетди, — деди Жавлон.

— Мубина йиқилиб тушди, кўйлаги йиртилди. Наргиза эса тезда велигига ўтириб, қочиб кетди, — унга қўшилди Мухаммаджон. — Бўлмаса адабини бериб кўярдик.

Мастура хола гап нимадалигини тушуниб етди ва невараларини ёнига ўтказди. Ва аста гап бошлади.

— Бунча шошмасаларнинг, — деди уларга бир-бир тикилиб, — эҳтимол Наргиза билмай қолгандир йўлидан Мубина чиқиб қолишини. У жуда одобли, ақлли қиз. Кўчада рўпара келса, албатта, салом беради. Сизлар бу ерда меҳмонсизлар, кимнинг қанақалигини билмайсизлар. Сиздаги важоҳатни кўриб, кўрқиб кетган. Шунинг учун Мубинага ёрдам бермаган. Инсон ҳеч қачон вазиятга шошилиб баҳо бермаслиги лозим. Ғазаб келганида ақл кетади, деган гапни эшитганмисизлар. Ҳозир сизларга бир ривоят айтиб бераман. Хулосани ҳар ким ўзи чиқарсин.

Қадимда бир дурадгор бўлиб, асбобларини доимо ўзи турган олиб юрар экан. Бир кун ишдан сўнг меҳмондорчиликка бориши кераклиги эсига тушиб, кетар чоғи асбобу-ускуналарини иш жойида қол-

дирибди, улар ичида арраси ҳам бор экан.

Дурадгор кетгач, устахонага ризқини излаб бир илон кириб келибди. Илон егулик қилдириб, ҳар томонга ўрмалаб чиқибди. Бу ўрмалашларнинг бирида у арранинг устидан ўтибди ва териси бироз жароҳатланибди. Бундан аламланган илон ортга қайтибди-да, унга жароҳат етказган нарсдан ўч олиш мақсадида иккинчи бор арранинг устидан ўтибди ва арра яна бир бор уни жароҳатлабди. Қаттиқ ғазабланган илон энди тишлари билан ҳужумга ўтибди. Лекин унинг тишлари темир аррага заррача таъсир қилмабди, аксинча оғзини ҳам жароҳатлаб олибди. Илон аррани менга ҳужум қиляпти, деб ўйлаган экан-да. Ва ниҳоят у сўнгги усулни ишга солиб, аррани бутун жисми билан ўраб олибди-да, қаттиқ бўға бошлаб-

ди. Бор кучи билан бўға-бўға, ўзи ҳалок бўлибди.

Эрталаб ишга келган дурадгор арра олдида ҳалок бўлган илонни кўрибди. Ва воқеа қандай содир бўлганини тушунибди. Илоннинг ҳалок бўлишига сабаб арранинг тишлари эмас, унинг ўринсиз ғазабланганидир.

Қиссадан ҳисса шуки, гоҳида ғазаб туфайли ўзгаларни қасддан дилини оғритмоқчи бўламиз. Вақт ўтиши билан факатгина ўзимизни-ўзимиз жароҳатлаганимизни тушуниб қоламиз.

Шунинг учун ҳамма вақт ғазаб келганида, ўзингизни босинг. Бирон ҳаракат билан ўзингизни абгор қилманг.

Айтишади-ку, шерни енгган эмас, ғазабини енгган инсон кучли деб.

Дилором РАҲИМОВА,
фахрий муаллима

САЛОМАТЛИК

КЎЗЛАРИМ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...



Инсоннинг барча тана аъзолари каби кўзларни ҳам керакли дармондорилар билан таъминлаб туриш лозим. Бу борада қуйидаги табиий неъматлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Қора қорағат (смородина) аскорбат кислотасига бой маҳсулот бўлиб, кўзларнинг соғлом бўлишида фойдаси катта. Шундай экан, тонгни бир стакан смородина билан қарши олинг. Фақат ошқозонингиз бу нордон маҳсулотни кўтара олса бўлгани.

Бодом, ёнғоқ таркибида витамин В₁ (тиамин) бўлиб, у нерв тўқималари ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Унга кўз тўр парда, кўриш нерви ва бош миёдаги кўриш анализатори киради.

Гўшт, тухум, сут маҳсулотлари. Уларнинг таркибда витамин В₁₂ (цианкобаламин) кўп бўлиб, улар организмдаги оксил алмашинувида фаол иштирок этади. Кўз соққаси, кўриш

нерви, бош мия ҳам шулар жумласига киради.

Қизил, сариқ сабзавотлар ва кўкатлар. Кўриш қобилиятини тиклашда каротин (витамин А) аънавий восита ҳисобланади. У қизил ва сариқ сабзавот ва меваларнинг ҳаммасида мавжуд. Шунингдек, витамин А жигар, тухум, сариёғда кўп. Кўриш қобилияти сусайганда 1 стакандан сабзили коктейл ичиб турунг. Сабзи сувини (3 ҳисса) петрушка барги суви (1 ҳисса) билан аралаштириб, овқатланишдан олдин ичса бўлади.

Шивит, исмалоқ, петрушка, селдерей, бодринг ва лавлага, сачратки (цикорий). Улар шарбади ҳам кўз учун жуда фойдали. Ушбу сабзавот ва кўкатларнинг ҳаммасидан хомлигича кўп-кўп еб турунг. Уларни турли-туман салатларга қўшиб ҳам фойдаланса бўлади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОҶОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўл ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАЎЗИЛНИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толдирмачон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Набатчи: Муборак МИРКАМҶОЛОВА.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда	Бухорода	Жиззахда	Наманганда	Навоийда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганча	Фарғонада	Қаршида
	226-47-80	(0365)600-87-21	(94) 199-95-64	(91) 353-71-25	225-91-10	554-35-45	(91)557-84-44	(91)235-88-68	291-43-28	(97) 211-65-05	244-18-05	(93)931-08-99